

Н.О. Шамадиева, З.И. Аташикова, М.О. Мусаева

Ўзбек тили

Умумтаълим мактабларининг
2-синфи учун дарслик

1-қисм

*Қозоғистон Республикаси
Таълим ва фан министрлиги тасдиқлаган*



Алматы
«Жазушы»
2022

УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922
Ш 22

Шартли белгилар

Ўқиймиз



Гуруҳда ишланг



Ёзамиз



Аниқлаймиз



Тинглаймиз



Мақол



Сўзлаймиз



Тез айтиш



Жуфтликда ишланг



Топишмоқ



Шамадиева Н.О. ва б.

Ш 22 **Ўзбек тили.** Умумтаълим мактабларининг 2-синфи учун дарслик. 2-қисмли / *Шамадиева Н.О., Аташикова З.И., Мусаева М.О.* 1-қисм. – Алматы: Жазушы, 2022. – 192 бет, расмли.

ISBN 978-601-200-785-5


УДК 373.167.1
ББК 81.2 Узб-922

ISBN 978-601-200-785-5 (1-қисм)
ISBN 978-601-200-786-2

© Шамадиева Н.О., Аташикова З.И.,
Мусаева М.О., 2017, 2022

© «Жазушы» баспасы, 2017, 2022

Барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинган.
Нашрнинг мулкӣ ҳуқуқлари
«Жазушы» нашриётига тегишли.





Дарс

ЎЗИМ ҲАҚИМДА САЛОМ, МАКТАБ! ГАП ВА СЎЗ



1. Тинглаймиз.

Мактабжон

Салом мактаб, жонажон,
Сенга меҳрим бир жаҳон!
Яна қайтдик қўйнингга,
Чанқаб сени илмингга.
Кузатиб келдик ёзни,
Ўз бағрингга ол бизни.
Хушнуд эт чароғингдан,
Илм-фан булоғингдан.
Виқорли баланд тоғда бўлдик,
Олмали боғда бўлдик.
Анҳорларда суздик биз,
Югуришда ўздик биз.
Турли миллат ўртоқ биз,
Илмларга чанқоқ биз.
Ўқишда ҳамда ишда,
Доим олға юрамиз.
Бир кун биз ҳам улғайиб,
Юртни обод қиламиз.

Анвар Қурбон



2. Сўзлаймиз.

- Ўз мактабингиз ҳақида сўзлаб беринг.
- Нима учун мактабни севамиз?





3. Аниқлаймиз.

Ўқинг. Нечта гап ўқидингиз?

Синфимиз кенг ва ёруғ. Дераза токчаларига гуллар қўйилган. Биз синфимизни озода сақлаймиз.



4. Ёзамиз.

Ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Янги ўқув йилингиз қутлуғ бўлсин! Билимларни пухта эгалланг. Она Ватанга муносиб фарзанд бўлинг.



*Гапнинг биринчи сўзи бош ҳарф билан бошланади.
Гапнинг охирига нуқта (.), сўроқ белгиси(?) ёки ундов белгиси(!) қўйилади: Биз анҳорда чўмилдик.
Сен сузишни биласанми? Чўмилиш қандай маза!*



5. Ўйлаймиз.

Тиниш белгиларини қўйиб, гапларни ўқинг.

Билим – ақл чироғи
Сен нечанчи синфда ўқийсан
Қандай гўзал бу боғлар





1. Сўзлаймиз.

Расмларга қараб, ёз ҳақида гаплар тузинг. Нечта гап туздингиз?



2. Ўқиймиз.

Ёз

Ўрик, олма,
 Нок, олча,
 Гилос, узум пишади.
 Қовун, тарвуз,
 Сабзи, пиёз,
 Дўконларга тушади.
 Ғалла пишиб,
 Ўроқ тушиб,



Хирмон донга тўлади.
Болаларим, айтинглар-чи,
Бу қай пайтда бўлади?

Ш.Ахмедов

Нечта гап ўқидингиз?



3. Суҳбатлашамиз, ёзамиз.

Шеърда қандай мевалар ва сабзавотлар ҳақида ай-
тилган? Мева ва сабзавотлар номини ёзинг.



4. Топишмоқни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Ер тагида олтин қозик,
У ҳаммага бўлар озиқ.



Жавобини бўғинлаб айтинг.



5. Тинглаймиз.

Матнда нечта гап бор?

Ёзда

Ёз июнь ойидан бошланади. Қуёш кун сайин баланд кўтарилади. Ҳаво ҳарорати ортиб боради. Мевалар етилади. Бугдой сарғаяди. Болалар маза қилиб дам оладилар. Оромгоҳ ва боғларда ўйнайдилар. Сувда ким ўзарга сузадилар. Турли китоблар ўқийдилар. Катталарга ёрдам берадилар.



6. “Ёз-ўтади соз” мавзусида постер тайёрланг.



7. Ёзамиз.

Мақолларни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Билим – ақл чироғи.

Билим бахт келтиради.





Дарс


СЎЗЛАРНИНГ БОШ ҲАРФ БИЛАН ЁЗИЛИШИ



1. Сўзлашамиз.

Расмга қаранг. Сизнинг ҳам шундай дўстларингиз борми? Улар ҳақида сўзлаб беринг.

_____	_____	_____	.
_____	_____	_____	?
_____	_____	_____	!



2. Ўқинг. Матнда нечта гап бор?

Ойбек кучукча топиб олди. У кучукчани уйига олиб келди.

Унга Зийрак деб ном қўйди. Зийрак яхши ўсяпти.


Кўчиринг. Ҳайвонга (кучукчага) қўйилган номни билдирган сўзнинг тагига чизинг.





3. Ўйлаймиз.

Расмларда берилган мультфильм қаҳрамонларининг номларини топинг.



4. Аниқлаймиз.

Ўқинг.

Мушукчам

Миттигина мушукчам,
Миёвлашни қўймайди.
Сут берсам косасида,
Ичиб қўйиб, тўймайди.
Мушукчамни Мош десам,
Югуради қошимга.
Қойимасам бўлмайди,
Чиқиб олар бошимга.

Мунира Муҳиддин



1. Нечта гап ўқидингиз?
2. Шеър қайси уй ҳайвони ҳақида?
3. Мушукнинг номи нима экан? Мушукларга яна қандай ном қўйиш мумкин?

Билиб олинг!

Кишиларнинг исми ва фамилияси, ҳайвонларга қўйилган номлар бош ҳарф билан бошланади.

**МИТТИГИНА
ҚОШИМГА
ҚОЙМАСАМ**

**биз матнни кўчириб ёзиш-
ни; кишиларнинг исм ва
фамилияси, ҳайвонларга
қўйилган номлар бош
ҳарф билан ёзилишини
ўргандик.**



Дарс

ТОВУШЛАР ВА ҲАРФЛАР



1. Аниқлаймиз.

Ўқинг, жавобини топинг.

Кичкина декча
Ичи тўла михча.

Топишмоқнинг жавобини ёзинг.

--	--	--	--



2. Ўқиймиз.

Бахтли инсон

Дунёга келдим соғлом,
Куним ўтар шўх-шодон.
Бахтиёрман жуда ҳам,
Чунки ота-онам бор.
Мени хатар қувмайди,
Дуолар бўлар ҳамроҳ.
Қайғу соя солмайди,
Ота-онам чин паноҳ.

Дилфуза Каримова



3. Аниқлаймиз.

1. Шеър нима ҳақида?
2. “Бахт” сўзи нечта товушдан тузилган? Бу товушлар ёзувда қандай ҳарфлар билан ифодланади?



Билиб олинг!

*Товушлар ёзувда ҳарфлар
билан белгиланади.*



4. Ёзамиз.

Ўқинг. Берилган сўзлар қайси товушлари билан бир-биридан фарқланишини айтинг.

Бил-дил-тил, товус-товуқ, этак-этик, кўз-куз.


Кўчиринг. Сўзнинг маъносини ўзгартираётган ҳарфлар тагига чизинг.



5. Ўйлаймиз.

Берилган сўзларга битта ҳарфи билан фарқланадиган сўз танланг. Намунадагидек ёзинг.

Нон-дон, бой-..., пилла-..., чой-..., пахта-..., боғ-....



5

Дарс

ТОВУШЛАР ВА ҲАРФЛАР




1. Ўйлаймиз.

Расмга қаранг. “Менинг хонам” мавзусида оғзаки ҳикоя тузинг.



2. Ёзамиз.

Хонадаги жиҳозларнинг номини ёзинг.





3. Ўйлаймиз.

Ўқинг. Сўзлар қайси товушлар билан фарқланяпти?

Билак-тилак, лола-тола, болға-болта, олма-олча,
кенг-тенг, мош-тош.

Кўчиринг. Сўз маъносини ўзгартирган ҳарфнинг
тагига чизинг. Ўзингиз бир товуш билан
фарқланадиган иккита сўз айтинг.



4. Расмга қаранг. Қиз ва ўғил болаларнинг хонаси
нимаси билан фарқланади?





5. Ұйлаймиз. Ўқинг.

Шодлигимиз кўкка сиғмас,
Битмас бахтим бор маним.
Мени бахтиёр қилган,
Шу енгилмас Ватаним.

Ҳамид Олимжон

Шеърда нечта гап бор? Ажратиб берилган сўзларда
нечта товуш, нечта ҳарф бор?



6. Ёзамиз.

Мақолни ўқинг. Мазмуни асосида дўстингиз билан
суҳбатлашинг.

Теракка қараб тол ўсар,
Онага қараб қиз ўсар.



МЕНИНГ КИЙИМЛАРИМ



1. Ұйлаймиз.

Расмга қараб, кийимлар номини айтинг. Уларни неча гуруҳга ажратиш мумкин?



Кийимлар



2. Ұқиймиз.

Ифодали ўқинг.

Чевар қиз кўшиғи

Хунарим бор қўлимда,
 Гул поёндоз йўлимда.
 Гўзал кийимлар тикиш,
 Орзуларим бор дилимда.
 Чевар қизман, чевар қиз,
 Элу юртни севар қиз.

Анвар Қурбон

1. Тикувчи қандай кийимлар тикади?
2. Тикувчи қандай иш қуролларидан фойдаланади?



3. Расмга қараб, гаплар тузинг. Чевар қиз қандай кийимлар тикди? Кийим номларини дафтарингизга ёзинг.



4. Аниқлаймиз.

Расмга қаранг. Болаларнинг кийимлари ҳақида нима дейсиз? Уларнинг кийимига қараб феъл-атворини аниқланг.



5. Мақолни ўқинг. Кўчириб ёзинг, унли ҳарфлар тагига чизинг.

Инсон – одоби билан,
Осмон – офтоби билан.

поёндоз
чевар

- биз кийимларни гуруҳларга ажратишни;
расмга қараб нарсалар номини ёзишни;
- сўздаги унли ҳарфни аниқлашни ўргандик.





Дарс

УНЛИ ТОВУШЛАР



1. Ўқиймиз.

Бўлай десанг боғбон,
Ё Ватанга посбон
Ё осмонда учувчи,
Ё денгизда сузувчи.
Нимаки қилсанг тилак,
Барига ўқиш керак!

Қуддус Муҳаммадий

Шеърда қандай касб эгалари ҳақида айтилган?



2. Ёзамиз.

Ўқинг. Кўчиринг. Унли ҳарфларнинг тагига чизинг.

Меҳнат бахт келтирар.

Иш сени енгмасин, сен ишни енг.

Билиб оламиз!

*Унли товушларни талаффуз қилганимизда,
ҳаво оғизда тўсиққа учрамай, эркин ўтади.
Фақат овоз эшитилади.*

*Ўзбек тилида олти та унли товуш бор: а, о,
и, у, ў, э.*

Унли ҳарфлар ўнта: а, о, и, у, ў, э, е, я, ю, ё.





3. Аниқлаймиз.

Ўқинг ҳар бир сўзда нечта унли ва нечта ундош товуш борлигини аниқланг.

Тикувчи, ошпаз, ўқитувчи, шифокор, муҳандис, қурувчи, кутубхоначи, пахтакор, боғбон, учувчи, чўпон, режиссёр.



4. Расмларга қаранг. Сизга қайси касб ёқади? Нима учун?



посбон
тилак
эркин

биз сўздаги унли то-
вушларни аниқлаш-
ни; унли товушларни
талаффуз қилишни
ўргандик.





1. Ўқиймиз ва ёзамиз.

Анор.

Анор – бутасим...н ўсимлик. У ҳамма ерда ўс...ди. Уни қаламчас...дан кўпайтириш мумкин. Баргл...ри майда гулли, наф...с бўлади. Гуллари тўкилг...ч, ан...р пайдо бўлади.



Туширилган ҳарфларни қўйиб, матнни кўчиринг.



2. Ўйлаймиз.

Расмга қаранг. Қандай таомлар тасвирланган?



Бу таомларни тайёрлаш учун керак бўладиган масаллиқларни ёзинг.

Палов –
Манти –
Шўрва –

Билиб олинг!

Унли товуш бўгин ҳосил қилади.



3. Ёзамиз.

Ўқинг. Фақат бир унли товуш бўгин ҳосил қилган сўзларни ёзинг. Шу бўгиннинг тагига чизинг.

Сув, норин, ош, лағмон, нон, шўрва, зира, туз.



4. Мақолни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.

Иш иштаҳа очар,
Дангаса ишдан қочар.



5. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Сўзларни бўгинларга ажратиб айтинг.

Олхўрижон, олхўри

Меваларнинг машҳури
Олхўрижон, олхўри.
Есанг таъми хуш хўри
Олхўрижон, олхўри.

Пўлат Мўмин





6. Фикрлаймиз.

“Фойдали озиқ-овқатлар” мавзусида постер тайёрланг.



бутасимон
нафас
иштаҳа

биз матни кўчириб
ёзишни;
унли товуш бўғин
ҳосил қилишни;
постер тайёрлашни
ўргандик.





Дарс

МЕН ОНАМГА ЁРДАМЧИ



1. Ўқиймиз.

Хурсанд бўлинг

Ойи, бўлса нима юмуш,
Менга айтинг.
Супуришми ё кир ювиш,
Менга айтинг.
“Йўқ”, деб сира ранжитмайман
Дилингизни.
Ишёқмас деб ўйламанг-а,
Ўизингизни.
Сизни хурсанд қилсам, кўнглим
Тўлиб кетар.
Дарслардан ҳам баҳойим “беш”
Бўлиб кетар.

Ҳабиб Раҳмат



Ажратиб берилган сўзларни дафтарингизга ёзинг,
унли ҳарфларнинг тагига чизинг.



2. Ўйлаймиз.

Туширилиб қолдирилган а ва о ҳарфларини
нуқталар ўрнига қўйиб, сўзларни ўқинг.

С...бзи, б...дринг, кар...м, қ...вун, к...рт...шк...,
т...рвуз, ш...лғ...м, ҳ...нд...лак, л...вл...ги.

Сабзаёт ва полиз экинлари номини алоҳида-
алоҳида ёзинг.

Сабзаётлар: лавлаги,

Полиз экинлари: қовоқ,



3. Суҳбатлашамиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Эгизаклар

Заҳро билан ойиси
Кўришарлар қиш ғамин.
Сабзавотдан консерва,
Тайёрлашар тинмайин.
– Зафар! – қичқирди Заҳро, –
Кел, помидор саралаш,
– Майли, – деди у, – дадамга,
Сен ёғочни арралаш.

Дўстжон Матжон



4. Мақолни ўқинг, кўчириб ёзинг. Унли ҳарфларнинг тагига чизинг.

Ҳаракатинг – соғлигинг,
Меҳнатинг – бойлигинг.



5. “Қиш ғамини ёзда е” мавзусида ҳикоя тузинг.



юмуш
даврон
ишёқмас

биз шеърдаги бир ун-
лидан ҳосил бўлган
сўзларни аниқлашни;
расмга қараб ҳикоя ту-
зишни ўргандик.





1. Ўйлайман.

Расмлар танлови учун эълон ёзишга ёрдам беринг. Тушириб қолдирилган ҳарфларни қўйиб матнни кўчиринг.

Эълон!

Мактабимизда ...қин кунларда “М...н с...вган эртақлар” мавзусида расмлар танлови ўтказилади. Барча ўқувчилар қатнашиши мумкин. Ғолибларни совғалар кут...пти.



2. Аниқлаймиз.

Расмларга қаранг. Эртақ қаҳрамонлари ҳақида сўзлаб беринг. Ҳар бир қаҳрамонга хос фазилатларни айтинг.



Ялмоғиз кампир: золим, ...

Мақтанчоқ қуён: мақтанчоқ, ...

Аёз бобо: сахий, ...



3. Ёзамиз.

Сўзларни бўғинлаб ўқинг. Кўчиринг, икки товуш билдирган ҳарфларнинг тагига чизинг.

Яшин, қуёш, ҳикоя, Ясмина, ёстиқ, япроқ, юмшоқ, ем, елка, юмронқозиқ.

Сўзлардаги е, ё, ю, я унли ҳарфлари нечта товушни билдирапти?

Билиб оламиз!

Е, ё, ю, я унли ҳарфлари:

- 1) Сўз бошида келганда: ер, ёмғир, яхши;*
- 2) Бўғин бошида келганда: поезд, қуён, суюқ;*
- 3) Сўз охирида келганда ҳам икки товушни билдиради: зиё, дунё, сармоя.*



4. Ўйлаймиз.

Мақолларни ўқинг. Икки товушни билдирган ҳарфларни топинг.

- Юрти бойнинг ўзи бой.
- Ер – хазина, сув – олтин.
- Яхши сўз – юрак ёғи,
Ёмон сўз – юрак доғи.



5. Ўқиймиз.

Икки товуш билдирувчи ҳарфли сўзларни топиб айтинг.

Юрак керак

(Ҳазилнома)

Ёмғир қуйса, осмонга

Нима керак?

Челак керак.

Қор ёғса-чи, осмонга

Нима керак?

Элак керак.

Оппоқ қорни курашга

Нима керак?




Курак керак.

Ёмғир, қордан қўрққанга

Нима керак? Юрак керак.

Пўлат Мўмин

6. Берилган бўғинлардан сўзлар ясанг ва гаплар тузинг.





1. Ўқиймиз.

Ажратиб берилган сўзлардаги Е, Ё, Ю унли ҳарфларининг қандай талаффуз қилинишини тушунтиринг.

Феруза айтган қўшиқ

Дарсдан “беш” олган пайтлар

Феруза қўшиқ айтар:

“Қуёш бўлсин, ой бўлсин,

Дадам, ойим бой бўлсин.

Менга атлас, укамга

Гижинглаган той бўлсин.

Дадам юзга кирсинлар,

Ойим юзга кирсинлар,

Бизлар юзга кирганда

Ёнимизда турсинлар”.

Сафар Барноев

1. Сиз ҳам қўшиқ айтасизми?

2. Қўшиққа муסיқани ким басталайди?





2. Ёзамиз.

Расмларга қаранг. Чолғу асбобларининг номларини айтинг ва ёзинг. Ундош ҳарфларнинг тагига чизинг.



3. Фикрлаймиз.

Ўқинг.

Рубобим

Рубобжоним, рубобим,
Жондан азиз ўртоғим.
Сени чалсам қувониб,
Қайнар кўнгил булоғим.
Рубобжоним, рубобим,
Симлари нур офтобим.
Оҳангларга лиқ тўлган
Рубоб деган китобим.



1. Қандай чолғу асбобларини чалишни биласиз?
2. Мусиқа мактаби ҳақида нималар биласиз?



4. Ҳайлаймиз, топамиз.

Матнни ўқинг. Е, Ё унли ҳарфлари қатнашган сўзларни кўчириб ёзинг.

Осмонни булут қоплади. Қуёш кўринмай қолди.
Бирдан шитирлаб ёмғир ёға бошлади. Куз келди.
Ёғингарчилик бошланди. Ёзда йиғилган ҳосил ва
ем қишга ғамлаб қўйилди.



той
рубоб
булоғим

биз шеър мазмуни
бўйича саволларга жа-
воб беришни;
сўзлардаги е, ё, ю, я
ҳарфларининг ёзили-
шини ўргандик.



12

Дарс

УНДОШ ТОВУШЛАР ВА ҲАРФЛАР



1. Ўқиймиз. Сўзлаймиз.

Вақт қадри

Ҳар бир вақтдан унумли
Фойдаланмоқ даркордир
Аслида у бизларга
Берилган бир имкондир.
Шундай экан, жон дўстим,
Бахтни қўлдан кетказманг.
Вақтнинг қадрига етинг,
Уни бекор ўтказманг.

Дилфуза Каримова

1. Шоир шеърда нима ҳақида айтган?
2. Сиз вақтни қандай ўтказасиз?
3. Ажратиб кўрсатилган сўзларни ўқинг.

Ҳар бир сўзнинг биринчи товушини талаффуз қилинг. Ҳаво оғиздан қандай ўтаётганини кузатинг: эркин ўтяптими ёки тўсиққа учраяптими?

Билиб олинг!

Ундош товушни талаффуз қилганда, ҳаво оғизда тўсиққа учрайди. Шунинг учун шовқин (ч, ш) ёки овоз ва шовқин (б, г, ж) эшитилади.

Ўзбек тилида 25 та ундош товуш бор:

б, в, г, д, ж, ж (жирафа), з, й, к, л, м, н, нг (тонг), п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.





2. Ёзамиз.

Нуқталар ўрнига қавс ичидаги ҳарфлардан мосини қўйиб, сўзлар тузинг ва уларни ёзинг. Ундош ҳарфларнинг тагига чизинг.

Қайи... (н, ш, қ) кўр...к (а, и)
Ку... (з, й, л, н, ч, т) ол...м (а, и)
Намуна: Қайин, қайиш, қайиқ.



3. Ўйлаймиз.

Нуқталар ўрнига ундош ҳарфлардан мосини қўйиб шеърни ўқинг.

Дўс...ликка хумор дўстлар бўлса,
Я.ин бўлар оли... йўл.
Қора, сариқ бола, оқ бо...а
Ту...ишгандай и...оқ бўл.



Музаффар Алимбаев



4. Ёдлаймиз.

Мақолларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг. Кўчириб ёзинг.

Бугунги ишни эртага қўйма.
Вақтинг кетди, бахтинг кетди.



УНДОШ ТОВУШЛАР
ВА ҲАРФЛАР

1. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг.

Оқилага кун тартибини тўғри тузишга ёрдам беринг.



Дўстингиз билан ўз кун тартибингиз ҳақида суҳбатлашинг.



2. Фикрлашамиз.

Мақолни ўқинг. Мазмуни асосида ўз фикрларингизни ўртоқлашинг.

Режали иш – тежамли иш.

Кўчиринг, ундош ҳарфларнинг тагига чизинг.





3. Ўқиймиз.

Вақт ҳақида

Осмондаги самолётнинг
Парвозида –
Саҳнадаги санъаткорнинг
Овозида.
Ҳаммасида ҳисоб-китоб
Билан вақт бор.
Вақт сўзининг мазмунида
Фақат бахт бор.
Шундан уни тежай билган
Бахтли киши
Ва доимо унумлидир
Қилган иши.

Толиб Йўлдош

Ажратиб берилган сўзларни бўғинга бўлиб ўқинг.



4. Ёзамиз.

Сўзларни ўқинг. Биринчи устундаги сўзларга иккинчи устундаги сўзлардан мосини топиб, сўз бирикмаси ҳосил қилинг ва ёзинг. Ундош ҳарфлар тагига чизинг.

Уйқудан	солиш
Нонушта	бориш
Мактабга	қилиш
Уйга	ўқиш



Китоб	қайтиш
Расм	туриш
Кечки	ётиш
Эркин	олиш
Уйқуга	овқат
Дам	машғулот




5. Ўқиймиз, фикрлаймиз.

Ўқишни уй ишларига ёрдамлашиш билан уйғунлаштиринг. Хотиранингизни машқ қилдиринг. Уйдан мактабга боришда ва мактабдан уйга қайтишда йўлда кўрган нарсаларни эсда сақлаб қолишга ҳаракат қилинг.



6. Ўйлаймиз!

Ўз кун тартибингиз ҳақида ёзинг.





1. Суҳбатлашамиз.

Бўш вақтингизда нима билан шуғулланишни ёқтирасиз?



2. Ўқинг ва жавоб беринг.

Спорт секциялари:

Футбол

Волейбол

Стол тенниси

Шахмат

Бокс

Тўғараклар:

“Сеҳрли мўйқалам”

“Моҳир қўллар”

“Болалар овози”

“Қўғирчоқ театри”

“Табиат қўриқчилари”

1. Сизга қайси спорт секциялари ва тўғараклар қизиқарли?

2. Нима учун?



3. Ўйлаймиз.

Берилган сўзлардан гаплар тузинг.

Мамлакатимизда, эътибор, катта, спортга, қаратилган. Спорт, гарови, соғлик.





4. Ўйлаймиз ва ёзамиз.

Расмларга қаранг. Гаплар тузиб ёзинг.





5. Ўқиймиз, аниқлаймиз.

Тўғаракда


Ражаб мусиқа тўғарагига ёзилди. У рубоб чалишни ўрганди. Тўғаракка Мурод ва Саид ҳам қатнашди. Улар най ва чанг чалишни ўрганишди. Ёқимли куйлар чалиб, ўртоқларини хурсанд қилдилар.

Матнда нечта гап ўқидингиз? Ўғил болалар исмларини кўчириб ёзинг, ундош ҳарфларнинг тагига чизинг.



6. Чиройли ёзамиз.

Йигит кишига етмиш ҳунар оз.
Ҳалол меҳнат – яхши одат,
Берур сенга саодат.



НГ ҲАРФ БИРИКМАЛИ СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз.

Матни ўқинг. Ажратиб берилган сўзларни кўчириб ёзинг.

Элёр ва унинг синглиси Нилуфар эрта тонгда ҳовлига чиқишди. Улар ўтлар орасида ҳолсиз ётган қушчани кўриб қолишди. Нилуфар қушчани қўлига олди. Ака-сингил уни уйига олиб келишди. Қушчани яхши боқишди. Қушча тузалгач, қўйиб юборишди.



1. Сиз ҳам қушларга ғамхўрлик қилгансизми?
2. Қушларнинг қандай фойдаси бор?

Билиб олинг!

нг ҳарф бирикмаси битта ундош товуш билдиради.





2. Ёзамиз.

Сўзларни бўғинлаб тўғри ўқинг. Кўчиринг.

Си-нгил, кў-нгил, сў-нги, то-нги, жа-нго-вар, ра-нги.
Синг-лим, кўнг-лим, сўнг-ги, тонг-ги, жанг-чи,
ранг-ли.

Шу сўзларнинг айтилиши ва ёзилишини ёдингизда
тутинг.




3. Ўйлаймиз ва ёзамиз.

Сўзларни бўғинларга бўлиб, чизиқча билан ажра-
тиб ёзинг.

Тенгдош, донгдор, манглай, заранг, таранг, тан-
глай, тонг, кенг, чанг, минг, занг.



4. Расмларга қаранг. Қушлар қайси мультфильм
қахрамони эканини биласизми? Номларини ай-
тинг. Уларни таърифлаб беринг.





5. Тез айтишни ёдлаб олинг.

Салимнинг сададаги сап-сарик саъваси саҳар сайрайди.



6. Ўқиймиз.


Шеърни ўқинг, нг ҳарф бирикмали сўзларни аниқланг.

Ғоз бола

Аланглаган,
Яланглаган.
Лапанглаган
Ғоз бола.
Қаранг, бир-бир,
Ранги қўнғир
Сувга шўнғир,
Ғоз бола.



Пўлат Мўмин





1. Сўзлаймиз.

Расм асосида ҳикоя тузинг. Болаларга исм қўйинг.
Исмларни алфавит тартибида ёзинг.



2. Ҳарфлар номини ўқинг.

Аа Бб Вв Гг Дд Ее Ёё Жж Зз Ии Йй Кк Лл Мм
а бэ вэ гэ дэ е ё жэ зе и\йэ ка эл эм
Нн Оо Пп Рр Сс Тт Уу Фф Хх Цц Чч Шш ь ь
эн о пэ эр эс тэ у эф ха цэ ча ша
ь айириш белгиси, ь юмшатиш белгиси
Ээ Юю Яя Ўў Ққ Ғғ Ҳҳ
э йу йа ў қе ге ҳе

Алифбо ёки алфавит тартиб билан қўйилган барча ҳарфлардир. Алфавитда ҳар бир ҳарфнинг ўз ўрни бор.



3. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Қушлар номини алфавит тартибида ёзинг.

Қушим боши

Қушим боши – ғунча
Тумшук, қоши – мунча,
Тана пати – хипча,
Оёқлари ипча,
Тирноқлари қилча.
– Топайми?
– Мусича,
– Зоғча,
– Хўроз,
– Ғоз,
– Ўрдак,
– Лайлак
Топмадинг,
– Читтак – қитдак.

Қуддус Муҳаммадий



4. Тинглаймиз.

1. Қушлар овозини тингланг.
2. Сиз қайси қушнинг овозига тақлид қила оласиз?




5. “Қушлар – бизнинг дўстимиз” мавзусида эссе ёзинг.



6. Ўқиймиз. Матнни ўқинг. Мазмунини сўзланг.

Чумчуқ

Чумчуқ бизда қишин-ёзин яшайди. Чумчуқ йилда икки марта бола очади. Болаларига йигирма мингга яқин ҳашарот едиради. Шунча ҳашарот саксон туп олма дарахтига зарар келтиради. Демак, чумчуқ фойдали қуш экан.



МЕНИНГ САРГУЗАШТЛАРИМ



1. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг. Нечта гап ўқидингиз?

Ажратиб берилган сўзларни алфавит тартибида ўқинг.

Адашиш

Мен таътилда шаҳарда яшайдиган бувимникига меҳмонга келган эдим. Бувим дўкондан нон келтириб беришимни сўради. Мен дўконга кета туриб йўлда адашиб қолдим. Ҳайрон бўлиб кўчада ўйнаб юрган болалардан дўконни сўрадим. Болалар дўкон орқада қолганини айтишди. Мен бир оз юриб дўконга етдим. У ёқ-бу ёққа қарадим. Кўчалар анча ўзгариб кетганини сездим.

Матн мазмунини сўзлаб беринг. Сиз ҳам бошингиздан кечирган воқеаларни ҳикоялаб беринг.



2. Тинглаймиз.

Матндан нг ҳарф бирикмали сўзларни аниқланг.

Полиздаги ҳангома

Эрталабдан Нор, гаранг	“Олиб борсам қишлоққа
Ашулани айтиб ванг.	Укаларим – Тош, Ҳолвой
Оралади полизни	Шерик бўлар ҳойнаҳой
Саралади тарвузни.	Кел яхшиси шу жойда
Аммо... бу пайт куз эди.	Еб олайн бу фойда”
Сара тарвуз оз эди.	Қани артиб, лой, чангни
Омад деган гап ҳам бор,	Еб кўрсинчи бир каржни



Маъқул, тарвуз топди
 Қўлга олиб қучоққа
 Отланди тез қишлоққа.
 Борар экан Нор йўлда
 Тўхтаб қолди бир жойда.

Нор сўнг тарвузни даст олиб
 Ерга урди кўтариб
 Тарвуз тошмас, ёрилди
 Чанг тупроққа қорилди.
 Ўша куни Нор, гаранг
 Уйга қайтди оч аранг.

Дилмурод Шакиров

Шеър мазмунини ўз номингиздан сўзлаб беринг. Норнинг ишига баҳо беринг.



3. Ёзамиз.

Шаҳар номларини алфавит тартибида ёзинг.

Нур-Султон, Семей, Бухоро, Қарағанди, Париж, Тошкент, Лондон, Москва, Шимкент, Туркистон, Қизилўрда.



4. Ўйлаймиз.

Туширилган ҳарфларни қўйиб сўзларни алфавит тартибида ёзинг.

Л...влаги, кар...м, са...зи, пи...з, в...зифа, н...вбатчи, м...шина.

Тўғри ёздингизми? Луғатдан текширинг.

Париж
 Лондон
 каржни
 аранг

биз матн мазмуни бўйича саволларга жавоб беришни; шеър қаҳрамонларига баҳо беришни ўргандик.





1. Ўқиймиз.
Ўқинг.

Яхши бола

Ҳамма жойга ярашади
Яхши бола, яхши бола.
Уй ишига қарашади,
Яхши бола, яхши бола.
Ўйнаб юриб севинади,
Ўз-ўзидан, ўз-ўзидан.
Яхшилиги сезилади,
Юз-кўзидан, юз-кўзидан.
Мактабдан қолмайди ҳеч,
Яхши бола, яхши бола.
Ёмон баҳо олмайди ҳеч
Яхши бола, яхши бола.

Пўлат Мўмин

1. Шеър мазмунини сўзлаб беринг.
2. Ажратиб кўрсатилган сўзларни кўчириб ёзинг.
Унли ҳарфлар тагига чизинг.
3. Яхши бола қандай бўлиши керак?
4. Сизнинг дўстингиз ким? У ҳақида сўзлаб беринг.
5. Менинг дўстим (дугонам)
6. У ..., ..., Биз биргаликда ..., ...,



2. Мақолларни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

1. Яхши яхшига ёндаштираар,
Ёмон йўлдан адаштираар.
2. Аввал ўйла, кейин сўйла.
3. Рост сўзлаган етар ниятга,
Ёлғон деган қолар уятга.



3. Ўйлаймиз.

Гапларни тартиб билан ўқинг. Ҳосил бўлган матнга сарлавҳа танланг.

Мурод билан Шоҳдиёр тугунчани ўз эгасига етказишди.

Акбар ота уларга ташаккур билдирди.

Тугунча ичидаги пул ва ҳужжатлар ҳамқишлоқлари Акбар отаники экан.

Ака-укалар уйга қайтаётган эдилар. Йўлда тушиб қолган тугунчани кўрдилар.





4. Фикрлаймиз.

1. Ака-укалар ишига баҳо беринг.
2. Уларнинг ўрнида сиз нима қилган бўлар эдингиз?
3. Шундай воқеага дуч келгансизми?
4. Дўстингизга айтиб беринг.



5. Берилган сўзлардан фойдаланиб, кичик ҳикоя тузинг.

Сардор, олмалар, Малика, сават, ширин, қизил, боғ, раҳмат, бобо.





1. Ўйлаймиз.

Булар Ақлбек билан Оқила. Уларнинг қўлидаги карточкалардаги сўзлар ва бўғинларни ўқинг.

Ақлбекка сўзлардан гап, Оқилага бўғинлардан сўз тузишга ёрдам беринг.



Бойлигимиз,
бизнинг, пахта

Да, ла, дой,
буғ, А, за, зи



2. Ёзамиз.

Ўқинг. Бир бўғинли, икки бўғинли ва уч бўғинли сўзлардан иккитадан ёзинг. Унли ҳарфларнинг тагига чизинг.

Сен бор, бизга тинчлик ёр,
Сен бор, бизлар бахтиёр.
Абад юртимда баҳор
Сен туфайли, Ватаним.
Сен менинг жону таним.

Ўтқир Рашид



Билиб олинг!

*Ҳар бир бўгинда унли товуш бўлади.
Сўзда нечта унли товуш бўлса,
шунча бўгин бўлади: бор, баҳор, бахтиёр.*



3. Ўйлаймиз ва ёзамиз.

Биттадан бўгин қўшиб, сўз тузинг ва ёзинг.

...нор, ...жир, ...зум, ги..., ...рик, ол..., ...хўри,
шафто...



4. Мақолларни ўқинг.

Китоб билим беради,
Билим бахт келтиради.

Кўп билган оз сўзлар,
Оз бўлса ҳам соз сўзлар.



МЕНИНГ ОИЛАМ ВА ДЎСТЛАРИМ СЎЗ ВА БЎҒИН



1. Ўқиймиз.

Ўқинг. Шеър нима ҳақида ёзилган?

Дадам, укам, мен, ойим,
Сўзлашамиз мулойим.
Ширинсўзлик қоидамиз
Шод, аҳил оиламиз.

Фахриддин Ҳайит

Иккинчи қатордаги сўзларни бўғинларга бўлиб чизиқча билан ёзинг.



2. Фикрлашамиз.

Мақолни ўқинг. Мазмунини дўстларингиз билан муҳокама қилинг.

Ота-онанг – чин дўстинг.

Сўзларни бўғинларга бўлиб чизиқча билан ёзинг.
Икки бўғинли сўзларнинг тагига чизинг.

Билиб олинг!

Бўғин бир унли ҳарфдан тузилади: о-на, а-ка.

**Бўғин бир унли ва бир ундош ҳарфдан
тузилади: бо-ла, ло-ла.**

**Бўғин бир унли ва бир неча ундош ҳарфдан
тузилади: мак-таб.**





3. Аниқлаймиз.

Матнни ўқинг. Бир бўғинли, икки бўғинли, уч бўғинли сўзларни топиб айтинг.

Ота-онани ҳурмат қилиш ҳақида

Ақл билан иш тутган фарзанд ота-онани иззат ва ҳурматлаши лозимдир. Чунки улар фарзанд учун ўлимга ҳам тайёр турадилар. Ота-онанинг иши фарзандни парвариш қилиш ва яхшилик ўргатишдир.

Фарзанд ақлли ва доно бўлса, ота-онанинг меҳр-муҳаббатини адо этади. Агар фарзанд ота-онанинг кўнглини сал бўлса-да ранжитса, уларнинг қалбини азоблаган бўлади.

«Қобуснома»дан



4. Ёзамиз.

Матнни ўқинг. Охири гаптаги сўзларни бўғинга ажратиб кўчириб ёзинг.

Ёдгор ҳали ёш. У боғчага боради. Уни боғчага бувиси олиб боради. Ёдгор боғчада болалар билан ўйнайди. Кечқурун уйга бувиси билан қайтади. Ёдгор бувисини жуда яхши кўради.





5. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Одинанинг оила аъзолари ҳақида сўзланг. Оила аъзоларини таърифланг.



ширинсўзлик
мулойим
ранжитса

биз мақоллар мазму-
нини сўзлашни;
ота-онани ҳурмат қи-
лишни;
бўғинларнинг ҳосил
бўлишини ўргандик.



1. Ўқиймиз.
Ўқинг.

Бизнинг оила

Менинг отам Тўлқин Саидов мактабда ишлайди. У ўқитувчи. Онам Матлуба Саидова боғчада ишлайди. У тарбиячи.

Мен ўқувчиман. Иккинчи синфда ўқийман. Синглим Зиёда Саидова беш ёшда. У боғчага боради.

1. Сиз ўзингизнинг оилангиз ҳақида гапириб беринг.
2. Ажратиб кўрсатилган сўزلарни бўғинларга ажратинг.





2. Ёзамиз.

Сўзларни ўқинг. Икки ва уч бўғинли сўзларни икки гуруҳга ажратиб, устун шаклида ёзинг.

Оила, набира, бобо, жиян, буви, амаки, хола, она, дада, сингил, ука, ака, эвара, қариндош, фарзанд.



3. Аниқлаймиз.

Ўқинг. Шеърда оила аъзоларидан кимлар ҳақида айтилган?

Меҳр

Таъриф этиб бўлмайди
Оддийгина сўз билан.
Улашади яхшилар
Ширин калом,
Кўз билан.
Отамнинг юзларида
Онамнинг кўзларида
– Ака, – деб эркаланган
Синглимнинг сўзларида.
Дунёларга сиғмаган
Дунёларча меҳр бор.

Саиджон Иноятов

Шеърдан бир бўғинли сўзларни топиб айтинг.
Тўрт бўғинли сўзларни топинг, ҳарфлар ва товушлар сонини намуна асосида аниқланг.
Намуна: оддийгина – 9 ҳ, 9 т.



4. Ёзамиз.

Мақолни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Ота-онангни ҳурмат қилсанг,
Бошқалардан ҳурмат кўрасан.





5. Тинглаймиз.

Шеър кимлар ҳақида? Бир унлидан иборат бўғинли сўзларни топинг.

Оила – кичик Ватан

Оила бу кичик Ватан,
Йўлбошчиси бобомдир.
Ҳар бир ишда қаттиққўл
Танбеҳ берган момомдир
Адам, ойим ишга кетса
Укамга мен қарайман.
Тезроқ катта бўла қолсам,
Кўп ишларга ярайман.
Ҳозирча мен ўқувчиман,
Фикрим билим олишда.
Акам, опам суянчиқдир,
Мен бошлаган ҳар ишда.

Шоҳалил Шомадиев



БЎҒИНЛАРДАН СЎЗЛАР ТУЗАМИЗ



1. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг «Оиламизнинг бир куни» мавзусида гаплар тузинг.



1. Оила аъзолари нима билан машғул?
2. Бахтли оила деганда нимани тушунаси?



2. Синфдош дўстингиз билан суҳбатлашинг. Уларга оилангиз ҳақида айтиб беринг.



3. Ұйлаймиз.

Сўз ўйинида яширинган сўзларни топиб, бўғинлаб ёзинг.

қа		па
ол		на
бо		ла
дўп		ёз
боғ		на
даф		вуз
фер		кон
тул		тоб
кўр		на
печ		боб



4. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг. Кўчириб ёзинг. Уч бўғинли сўзларнинг тагига чизинг.



Ака-сингил

Бизлар ака-сингилмиз,
Доим очиқ кўнгилмиз.
Уришмасдан юрамиз,
Доим аҳил, иноқмиз.
Шунинг учун қувноқмиз.



5. Фикрлашамиз.

Расмда тасвирланган нарсалар оила аъзоларингиздан кимга тегишли эканини топинг.





1. Ўқиймиз.
Матнни ўқинг.

Кечиринг, ойижон!

Аҳмаджон кўчада ўртоқлари билан ўйнаб қолиб, уйга кеч қайтди. Онаси ташвишланиб ўтирган экан. У онасининг ҳолатини кўриб хижолат бўлди ва:

– Ойижон, мени кечиринг, энди бундай қилмайман, – деди. Онасининг чехраси бироз ёзилди ва:

– Аҳмаджон, сен ақлли боласан, мен сенга ишонман, – деди.

1. Ҳикоя нима ҳақида экан?
2. Бизнинг қандай ишларимизга оналаримиз ташвишланиши мумкин?
3. Иккинчи гапдаги сўзларни бўғинларга бўлиб, чизиқча билан ажратиб ёзинг.

Билиб олинг!

*Сўз бир йўлдан кейинги йўлга
бўғинлаб кўчирилади:
да-рахт, ол-ча.*

*Бир ҳарфли бўғинни олдинги йўлда қолдириб
ёки кейинги йўлга кўчириб бўлмайди.*

*Уларни қуйидагича кўчириш керак:
она-жон, ўқув-чи, Зул-фия.*



2. Ёзамиз.

Сўзларни бўгин кўчириш учун бўлиб, чизиқча билан ёзинг.

За-вод, майна, тўрғай, трактор, ҳосил, қишлоқ, мактаб, китоб, дафтар.

Ажратиб берилган сўзлар иштирокида гаплар тузинг.



3. Сўзлаймиз.

Саволларга жавоб беринг.

1. Яқин қариндошлар деганда кимлар тушунилади?
2. Уларга бўлган туйғуларингизни қандай билдирасиз?
3. Сўз ёки имо-ишора билан кўрсатинг.





4. Аниқлаймиз.

Расмга қаранг. Оила аъзолари бир-бирига қандай ғамхўрлик кўрсатяпти? Синфдошларингиз билан суҳбатлашинг.



хижолат
тўрғай
имо-ишора

биз сўзни бир йўлдан
иккинчи йўлга кўчи-
ришни; сўзни бўғинга
ажратиб ёзишни
ўргандик.



1. Ўқиймиз.

Оқила «Наврўз байрами» ҳақида матн тузди. Уни ўқинг.

Наврўз – табиат тантанаси, меҳр-оқибат, меҳнат ва тинчлик байрами. Юртимизда Наврўз қадимдан байрам қилиб келинган. Наврўзда оиламизда миллий таомлар пиширилиб, дастурхон тузатамиз.

Байрам арафасида каттаю кичик кўчага чиқиб, ариқларни тозалайди, атрофни супуриб-сидиради, дарахтларни оқлаб, гуллар экади.

Биз оиламизда байрамни шоду хуррамлик билан ўтказамиз.



Оилангизда қайси байрамларни нишонлайсиз?



2. Наврўз байрами ҳақида энциклопедиялардан қуйидаги саволларга жавоб топинг.

1. Наврўзни қайси халқлар байрам қилади?
2. Наврўз билан қандай анъаналар боғлиқ?
3. Наврўз ҳақида қандай ривоятлар бор?



3. Ёзамиз.
Ўқинг шеър нима ҳақида ёзилган?

Булоқлар зилол,
Чарақлар ҳилол.
Шивирлар шамол,
Яна куз келди.

Нурилло Остон

Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўгин кўчириш учун бўгинларга бўлиб, чизиқча билан ажратиб ёзинг.





4. Аниқлаймиз.

Расмларга қаранг. Қандай байрамлар тасвирланган.
Улар ҳақида постер тузинг.



арафасида
анъаналар
ҳилол

биз Наврўз байрами
ҳақидаги саволларга
жавоб беришни; расм
асосида постер тузиш-
ни ўргандик.

БИР БЎҒИНЛИ СЎЗЛАРНИНГ ИМЛОСИ



1. Ўқиймиз.

Тилингни авайла – омондир бошинг

Ўқув ва билимнинг тилмочи тилдир. Кишига яхшилик ва эзгуликлар тил туфайли келади. Қутбаракани ҳам, обрў-эътиборни ҳам киши тил орқали топади. Тилга эътибор бермаса, уни ноўрин қўлласа, одамнинг боши ёрилиши мумкин. Ҳеч қачон кўп гапирма. Оз сўзларга кўпроқ маъно сиғдир.

Юсуф Хос Ҳожиб

1. Боболаримиз тил ҳақида нима дейишган?
2. Нима учун тилга эътибор бериш керак?



2. Ўқинг.

Аввал бўғин кўчириш қоидасига бўйсунмайдиган сўзларни ёзинг, кейин қолган сўзларни бўғин кўчириш қоидасига мувофиқ бўлиб, чизиқча билан ёзинг.

Муаллим, олим, олам, ўқувчи, шеър, лазиз, азиз, дафтар, анор, ака, дарахт, қум.



3. Ёзамиз.

Нима учун бу сўзлар бир йўлдан кейинги йўлга бўғинга бўлинмасдан кўчирилади?

Дарс, дарё, ота, она, опа, ака, ука, ҳадя, экин, уя, этик, эшик, синф, қиш, ёз, куз, йил, тонг, цирк, цех.

Кўчиринг. Унли ҳарфларнинг тагига чизинг.





4. Аниқлаймиз.

Шеърни ўқинг. Мазмунини айтиб беринг.

Муносиб бўл, ризқу рўзга,
Ёмон бўлиб тушма кўзга,
Доғ қўндирма, оппоқ сўзга
Ёмондан қоч, ёшдан болам!
Ишла, манглайдан оқсин тер,
Яхши-ёмонни синаб бер,
Яхшиларга қўлингни бер,
Шунда йўлинг бўлар болам!

Омонуллоҳ Мутал

Ажратиб кўрсатилган сўзларни кўчириб ёзинг.

Билиб олинг!



*Бир бўгинли сўзлар бўгин кўчириш учун
бўлинмайди: дўст, дарс.*

*Бўгин ҳосил қилган бир унли ҳарфли ака, ҳады
каби сўзлар бўгин кўчириш учун бўлинмайди.*



5. Тез айтишни ёдлаб олинг.

Бобом бодом бердими,
Бодомни бобом бердими?





1. Фикрлашамиз.

Ақлбекларнинг уйига меҳмонлар келишди. Улар кимлар эканини расмдан билиб олинг. «Санъаткорлар – меҳмонимиз» мавзусида Ақлбек номидан ҳикоя тузинг.



2. Ўқиймиз.

Сўзларни ўқинг. Айириш белгисидан олдин ва кейин келган унлиларнинг талаффузига эътибор беринг.

Суръат, Журъат, санъат, қалъа, қатъий, машъал, маъно, саъва, Раъно.



Билиб олинг!

*Айириш белгиси ь товуш билдирмайди.
Айириш белгиси билан ёзиладиган сўзлар
бўгин кўчириш учун қуйидаги каби бўлинади:
машъ-ал, саъ-ва, қалъа.*



3. Ёзамиз.

Сўзларни ўқинг. Айириш белгисидан олдин келган унлини кейин келган ундошдан ажратиб талаффуз қилинг.

Раъно, баъзи, ваъда, маъно, маъқул, саъва, таъзим, таълим, эълон.



4. Ўйлаймиз. Ўқинг.

Раъно шеърни ифодали ўқийди.
Ҳайвонот боғида шерни кўрдик.
Суръат – аълочи ўқувчи. У суратни чиройли чи-
зади.

Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъноси, талаф-
фузи, ёзилишини қиёсланг.



5. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Саъва салқин саҳарда сайрайди.



6. Ёзамиз.

Нуқталар ўрнига керакли сўзларни қўйиб гапларни ёзинг.

Мадина ... қиз. Нодир ... саройига борди.
Гулчеҳра дўстлик ҳақида ... ўқиди. Уйимизга ...
холам келди.

Қўйиш учун сўзлар: санъат, шеър, аълочи,
Раъно.





7. Матни ўқинг.

Саъва – сайроқи қуш. Танасининг узунлиги
13–16 см, вазни 20 г га яқин.
Пешонаси ва томоғи қизил,
қаноти сариқ йўлли қора. Орқаси
жигарранг, бошининг тепа
қисми оқ, энсаси атрофи қора.
Ҳашаротлар ва ўсимлик уруғлари
билан озиқланади.



Сиз яна қандай сайроқи қушларни биласиз?




ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН – СПОРТЧИЛАРМИЗ.



1. Сўзлаймиз.

Таянч сўзлардан фойдаланиб саволларга жавоб беринг.

1. Сизга спортнинг қайси тури ёқади?
2. Оилангиздагилар қандай спорт тури билан шуғулланади?
3. Сиз баскетбол ўйнай оласизми?
4. Футболга қизиқасизми?



Таянч сўзлар: футбол ўйнаш, чанғида учиш, бокс тушиш, гимнастика ўйнаш.





2. Ўқиймиз.

Ўқинг. Шеър нима ҳақида ёзилган?

Ўйин ўйнасанг, болам,
Касб этсин маъно мазмун
Одобли бўлгин ҳар дам,
Кўрганлар бўлсин мамнун.
Ўқиш бўлсин машғулот,
Тўп тепгин, ўйна шахмат.
Курашгин, чоптиргин от,
Кўрганлар десин раҳмат.

Омонуллоҳ Мутал

Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўғинларга ажратиб ёзинг.



3. Аниқлаймиз.

Ўқинг. Гапларнинг чегарасини аниқланг.

Кечки пайт оиламиз аъзолари йиғилишади отам молларга ем беради онам кечки овқат тайёрлайди опам укамга қарайди ҳаммамиз телевизордан ёзги спорт ўйинлари мусобақасини томоша қиламиз.

Нечта гап ўқидингиз?



4. Аниқлаймиз.

Расмга қаранг. Заринанинг оиласи қандай спорт тури билан шуғулланмоқда?

Бу спорт тури ҳақида энциклопедия ёки интернетдан топиб ўқинг.



футбол
баскетбол
шахмат

биз айриш белгили сўзларни ёзишни; расмга қараб спорт турини аниқлашни ўргандик.

АЙИРИШ БЕЛГИСИ БОР СЎЗЛАРНИ БЎҒИНГА АЖРАТИШ



1. Ёзамиз.

Расмларга қаранг.

Фойдаланиш учун берилган сўزلардан фойдаланиб,
гаплар тузинг. Дафтарга ёзинг.



Фойдаланиш учун сўзлар: Эътибор, Маърифат.



2. Ўқиймиз.

Мақолни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Тонгда қилсанг ҳаракат,
Ишингда бўлар баракат.



3. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўғинга ажратиб ёзинг.

Талъат жуда озода бола. У тозаликни яхши кўради. Дўстлари Саъди ва Раъно билан кўчага чиқишди. Саъди дарахтларнинг тагини юмшатди. Талъат сув сепди. Раъно йўлакларни супурди. Ахлатларни йиғиб қопга солишди. Кўча тоза бўлди. Бувиси улардан миннатдор бўлди.



4. Аниқлаймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър ким ҳақида экан?

Дастёр қиз

Шаҳноза сув сепди,
Ҳовлисига завқ билан
Ўлтириб мен супада
Кузатаман шавқ билан.



Ҳамма ёқни супура
Сира гард юқтирмайди.
Шаҳноза бекорчилиқни
Ҳеч қачон ёқтирмайди.
Шунинг-чун Шаҳнозани
Ҳамма дейди – ҳушёр қиз.
Онасига ёрдамчи,
Дарси аъло дастёр қиз.

Анвар Хожӣ

Шеър кимнинг номидан айтилган?





5. Ўйнаймиз ва ўйлаймиз.

Сўзларни ўқинг. Бўгин кўчиришдаги хатоларни тузатиб, ёзинг.

фаз-ог-ир
ла-вла-ги
бол-ал-ар

ват-ан
мус-иқ-а
қалп-оқ





1. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър ким ҳақида?

Раҳимбой

Раҳимбойни ҳамма билар,
Ўзи жуда ёқимтой.
Қўни-қўшни мудом дерлар,
“Боланг бўлса шу Раҳимдай”
Ўзи кичик бўлса ҳамки,
Жуда-жуда ёқимли.
Бола бўлиб шумлик қилмас,
Катталардек ақлли.
Юриш-туриш, кийиниши
Ярашади ўзига.
Кўрган одам хурсанд бўлар,
Унинг қилган ишига.



Анвар Қурбон



2. Сўзлаймиз.

1. Қўшнилариңиз кимлар?
2. Улар ҳақида нима дейсиз?
3. “Қўшнинг тинч – сен тинч” мақолини сиз қандай тушунасиз?



3. Ұйлаймиз ва ёзамиз.

Ўқиш дарсида

Неъмат ҳикояни ўқиди. Маъруф тушунганини айтиб берди. Журъат ваъда, маъмур сўзларининг маъносини айтди. Саъди ҳикоянинг иккинчи қисмини ўқиди. Маъмура сўзлаб берди. Ўқитувчи уларга баҳо қўйди.

Саволларга жавоб беринг.

1. Неъмат нима қилди?
2. Ким тушунганини сўзлаб берди?
3. Журъат қайси сўзларнинг маъносини айтди?
4. Саъди нима қилди?
5. Маъмура-чи?

Айириш белгиси бор сўзларни бўғин кўчириш учун бўлиб, чизиқча билан ёзинг.



4. Ёддан ёзайлик.

Суҳбати кўп сермаъно,
Юриш-туриши аъло,
Дарсда олар “беш” баҳо
Китоб ўқиган бола.

Пўлат Мўмин

Ёддан ёзинг. Айириш белгиси билан ёзилган сўзларнинг тагига чизинг.



5. Сўзлаймиз.

Дўстингиз билан расм асосида “Бизнинг қўшни” мавзусида суҳбатлашинг.



шумлик
мудом
сермаъно

биз ёддан ёзишни;
айириш белгиси бор
сўзларни бўғинга
ажратиб ёзишни
ўргандик.



30

Дарс

ЮМШАТИШ БЕЛГИСИ – Ъ



1. Ұйлаймиз.

Ўқинг. Юмшатиш белгисидан олдин келган ундош товушнинг айтилишига эътибор беринг.

Июнь, пальто, июль, асфальт, нефть, фильм.

Кўчиринг. Юмшатиш белгиси бор бўғиннинг тагига чизинг.

Билиб олинг!

*Юмшатиш белгиси ь товуш билдирмайди.
Юмшатиш белгиси билан ёзиладиган сўзлар
бўгин кўчириш учун қуйидаги каби бўлинади:
аль-бом, паль-то, ас-фальт.*



2. Ұқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър кимлар ҳақида?

Жуда маъқул

Тоғажоним негадир
Мени яхши кўради.
– Жиян, дўстинг кимлар деб
Учраб бир кун сўради.
Санаб қолдим бидирлаб:
– Мамед, Маша, Ҳалима,
Лу Син, Нуртой, Жонғози!
Яна Катя, Салима

– Жуда маъқул! – дедилар
Сизмай кетдим теримга.
Апил-тапил кўчирдим
Бу суҳбатни шеъримга.

1. Сизнинг дўстларингиз кимлар?
2. Дўстларингиз билан биргаликда қандай ўйинлар ўйнайсиз?



3. Аниқлаймиз.

Оқиланинг туғилган кунига дўстлари совғалар беришди. Оқилага ким қандай совға берганлигини аниқланг.







4. Ўқиймиз ва ёзамиз.

Матнни ўқинг. Сарлавҳа топинг ва ёзинг.

Журъат билан Маъмура синфдош. Улар бирга дарс тайёрлайдилар ва ўйнайдилар. Журъат билан Маъмура конькиларини олдилар. Улар муз майдонига бордилар. Муз устида конькида учиб жуда завқли.



ЮМШАТИШ БЕЛГИСИ БОР СЎЗЛАРНИНГ ИМЛОСИ



1. Ўқиймиз.

Иноқликда гап кўп

Бизлар етти оғайни:
 Мен, Анвар, Рамз, Ғани –
 Толиб, Учқун ва Қувноқ:
 Ўйнаймиз аҳил-иноқ.
 Тенгдир ҳатто ёшимиз,
 Ўхшаш кўзу қошимиз.
 Аълочимиз ўқишда,
 Намунамиз ҳар ишда.
 Ҳавас қилар одамлар,
 Хурсанд ойим, дадамлар.
 Бордир ният, гапимиз,
 Бундан сўнг ҳам сафимиз –
 Кўпаяди албатта,
 Иноқликда гап катта...

Иброҳим Дониш

1. “Иноқликда гап кўп” гапининг маъносини сиз қандай тушунасиз? Фикрингизни айтинг.
2. Шеърда берилган ўғил болалар исмларини алфавит тартибида ёзинг.



2. Фикрлаймиз.

Мақолларни ўқинг ва мазмунини тушунтиринг.

Дарахт – илдизи билан,
 Одам – дўстлари билан.

Бургут кучи – қанотида,
Одамники – дўстликда.



3. Ёзамиз.

Сўзларни ўқинг, *-да* қўшимчасини қўшиб, намунадагидек ёзинг. Қўшимча қўшилганда, сўзда қандай ўзгариш бўлди?

Намуна:

Нефть – нефтда

рояль –

модель –

январь –

февраль –


апрель –

Билиб олинг!

Охири юмшатиш белгиси билан тугаган сўзларга қўшимча қўшилганда, юмшатиш белгиси ёзилмайди: июль – июлда.



ҳавас
намунамиз
ният



биз юмшатиш белгиси
бор сўзларнинг ёзили-
шини;
мақолларнинг мазму-
нини тушунтиришни
ўргандик.



1. Аниқлаймиз.

Расмларда қандай касб эгалари тасвирланган?



Қайси касб энг муҳим ва керакли деб ўйлайсиз?



2. Ўқиймиз.

ЯХШИ НИЯТ

Ҳаммада ҳам бор ҳавас,
Мана кичкина Аваз.
Кўкка боқар ухламай,
Мен дедим, қани, сўрай:
“Қайларга учди зикринг?”
У дер: “Қанийди бўлсам
Мен қурувчи-космонавт.
Қулар эдим ойда ҳам
Боғча, мактаб, интернат...”

Анвар Обиджон

1. Аваз нимани орзу қилган экан?
2. У ўз орзусига етиш учун нима қилиши керак?
3. Сиз ҳам орзу қилганмисиз?



3. Ёзамиз.

Фойдаланиш учун берилган сўзлардан мосини қўйиб, гапларни қўчиринг.

Нилуфар бу йил _____ дам олди.
_____ дарё бўйига жойлашган.
_____, _____, _____ ёз ойлари.

Фойдаланиш учун сўзлар: оромгоҳ, оромгоҳда, июнь, июль, август.

Юмшатиш белгиси бор сўзларни аниқланг. Уларга қўшимча қўшиб ўқинг.



4. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг. Сўзларни бўғинларга ажратиб кўчириб ёзинг.

Пальто

Мен пальтоман, пальтоман,
Қишда юким “ортаман”
Қолган учта фаслда
Жимжит хуррак отаман.



зикринг
хуррак

биз расмга қараб гап-
лар тузишни;
сўзларни бўғинга
ажратиб ёзишни
ўргандик.



1. Сўзлаймиз.

Ақлбек дўстларига бобоси ҳақида гапириб берди. Бобосининг суратларини кўрсатди. Суратларни кузатинг. Унинг бобоси ҳақида сиз нима дейсиз?





2. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг. Бир бўғинли сўзларни ёзинг.

Еру осмон қўшиғи

Қандай гўзал
Тонгги чоғлар...
Тўкин-сочин
Дала-боғлар.
Қуёш дейди:
Олам кулсин!
Нурли замон,
Тинчлик бўлсин!

Чеҳраларда
Бахт кўрдим мен
Дилим жўшиб
Жўр бўлдим мен.
Олам гулга
Куйга тўлсин
Тинчлик бўлсин!
Тинчлик бўлсин!

Темур Убайдулло



3. Аниқлаймиз.

Расмларга қаранг. Қайси байрам тасвирланган?
Бу байрам ҳақида интернетдан, энциклопедиядан
маълумотлар тўпланг.







4. Мақолларни ўқиб, мазмунини тушунтиринг.
Кўчириб ёзинг. Уч бўғинли сўзларнинг тагига
чизинг.

Жанжал – офат,
Тинчлик – фароғат.

Бир кун уруш бўлган уйдан,
Қирқ кун барака кўтарилар.



ТИНЧЛИК ҚУШИ – ОҚ КАПТАР



1. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Тинчлик қўшиғи

Тинчлик ўзи
Нимадир?
Тинчлик сўзи
Кемадир,
У дунёни кезади.
Денгизларда
Сузади.
Учиб гўё
Оқ каптар
Дейди: зич
Бўлинг сафлар.
Гуллар яшнаб
Сўлмасин.
Асло уруш бўлмасин!



Иброҳим Дониш

Оқ каптарни нега “тинчлик тимсоли” дейишади?



2. Ёзамиз.

Ўқинг.

Сен биласанми, бир йилда нечта ой бор?
Ўн иккита.
Улар қандай номланади?
Ой номларини ёзинг.



3. Ёддан ёзамиз.
Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг.

Кабутар

Тинчлик қуши ўзингсан,
Осмонларда учасан.
Тинчлик тилаб, барчага
Булутларни қучасан.

Асилбек Нурматов



4. Ўйлаймиз.
“Ёмғир билан ер кўкарар,
Тинчлик билан эл кўкарар” мавзусида постер тай-
ёрланг.




5. Сўзлаймиз.
Матнни ўқинг. Матн неча гапдан иборат? Сарлавҳа
қўйинг. Ҳикояни қаптар номидан сўзлаб беринг.

Каптар овчининг тўрига илинди. Овчи уни тутиб
олмоқчи бўлди.

Буни чумоли кўриб қолди. Овчининг кўйлаги
ичига кирди. Елкасини қаттиқ чақди.

Овчи чидай олмади. У тўрни қўлидан ташлаб
юборди. Каптар қутулиб, учиб кетди.

Каптар билан чумолини дўст дейиш мумкинми?





1. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Ақлбекнинг дўстларини таъриф-ланг. Таянч сўзлардан фойдаланинг.



Омон – ..., ..., ...

Карим – ..., ..., ...

Қора, жингалак, баланд, ёқимтой, паст, оқ, хушчақчақ.



2. Расмга қаранг.

Болаларнинг кайфиятларини қандай сўзлар орқали ифодалаш мумкин?





3. Аниқлаймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър кимлар ҳақида?

Дўст

Рустам менга дўст эди,
Ҳар бир сўзи рост эди.
Орзумиз бир, бир тилак.
Кўплар дерди эгизак.
Бизлар шундай дўст эдик.
Майизни бўлиб ердик,
Бўлиб қолдим мен касал.
Ундан бўлмади хабар
Сўнг эшитсам Суюндан
Бўшамабди ўйиндан.

1. Рустам қандай бола?
2. Сиз Рустамнинг ўрнида нима қилар эдингиз?
3. Уч бўғинли сўзларни топинг ва бўғин кўчириш қоидасига мувофиқ бўғинга ажратиб ёзинг.



4. Ўқиймиз.

Матни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Энг мўътабар сўз

Дунёда бир сўз бор. У турли тилларда турлича жаранглайди. Одамлар бу сўзга амал қилиб, иноқ, тинч-тотув яшайдилар. Улар фаровон ва бахтиёр ҳаёт кечирадилар. Бу дўстлик сўзидир.

Бир унлидан ҳосил бўлган сўзлар тагига чизинг.





5. Ўйлаймиз.

Синфдош дўстларингиз исмларини айтинг. Унли товуш билан бошланадиган исмларни бир устунга, ундош товуш билан бошланадиган исмларни иккинчи устунга ёзинг.

Масалан: Илҳомжон

Каримжон



6. Мақолларни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Дўст – дўстнинг кўзгуси.

Дўст куйинар,
Душман суюнар.

Дўст олдингда гапирар,
Душман орқангдан.



ДЎСТИМНИ ТАБРИКЛАЙМАН



1. Ўйлаймиз.

Оқила дугонаси Ҳалимага табрикнома ёзди. Табрикномани ўқинг.

Табрикнома

Дугонам, Ҳалима! Мен Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга узоқ умр, ўқишларингизда муваффақиятлар тилайман.

Дугонангиз Оқила

Сиз табрикномани қандай ёзган бўлар эдингиз?



2. Ёзамиз.

Расмга қараб дўстингиз билан суҳбатлашинг. Таянч сўзлардан фойдаланиб дўстингизга хат ёзинг.



Таянч сўзлар: яхшилик, бахт, саломатлик, тинчлик.





3. Фикрлашамиз.

Ёзган табрикномангизни синфдошларингизга ўқиб беринг.



Табригингизни нима орқали етказасиз?



4. Текширамиз.

Дўстингизнинг табрикномасини текширинг.

Текширишда е, ё, ю, я унли ҳарфларининг ёзилишига, тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор беринг.





Дарс

МЕНИНГ МАКТАБИМ

ЖАРАНГЛИ ВА ЖАРАНГСИЗ УНДОШЛАР



1. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг.

Мақтаб

Ташнадирман илмга,
Юрарман сени мақтаб.
Нур тўшадинг йўлимга,
Қадрдон, она мақтаб.

Умида Абдуазимова

Кўчиринг. Қайси сўзларнинг охирида П товуши эшитилиб Б ҳарфи ёзилапти?



2. Фикрлашамиз.

Жуфтлаб берилган сўзларни ўқинг ва ёзинг. Шу сўзларнинг биринчи товушини талаффуз қилиб, қиёсланг. Қайси товушни талаффуз қилганингизда овоз ва шовқин, қайсиларида фақат шовқин эшитил-япти?

Дил – тил
гул – кул
жой – чой

жала – чала
зина – сина
доғ – тоғ



Билиб олинг!

*Ўзбек тилида жарангли ва жарангсиз
жуфтли ундош товушлар бор:*



Жаранглилар: б, в, г, д, ж, ж, з, г.

Жарангсизлар: п, ф, к, т, ч, ш, с, х.



3. Аниқлаймиз. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг. Улар кимлар? Улар мактабда қандай вазифани бажаришади?





4. Ўзимизни синаймиз.

Бу Санжар. У 2-синфда ўқийди. Санжарнинг дафтарига ёзганларини текширинг. Хатоларини тўғирлашга ёрдам беринг.





Мактап – билим булоғи. Китоб – билим манбаи.

Мурот – одопли бола. У дарста чим ўтиради.



5. Аниқлаймиз.

Б, С ундошларининг жуфтларини аниқланг. Улар иштирокида сўзлар тузинг.





1. Сўзлаймиз.

Санжар сизнинг мактабингизга келди. Сиз унга мактабингизнинг қаерларини кўрсатган бўлар эдингиз? Нега?





2. Ўқиймиз.

Санжар мактабимиз бўйлаб қилган саёҳати асосида гаплар ёзди. Гапларни ўқинг, ажратиб берилган сўзлардаги жарангли ундошларни айтинг.

Мактаб менга жуда ёқди. Синф хоналари тоза, ёруғ ва кенг. “**Моҳир қўллар**” кўргазмасини томоша қилдим. **Барглардан** ясалган икебаналар, мунчоқлардан ясалган **гуллар** ажойиб экан.

Ажратиб берилган сўзларни ёзинг.



3. Ўқиймиз.

Шеърни ифодали ўқинг.

Билимларга конимиз,
Ойдек чароғонимиз,
Севимли маконимиз
Салом, **мактабжонимиз!**

Олқор Дамин

Ажратиб берилган сўздаги жуфти бор ундошларни аниқланг ва айтинг.





4. Ёзамиз.

Мазмунга мос сўзларни қўйиб, гапларни кўчиринг.

Дарсда ўқувчилар ... ўтирадилар.

Гулзорнинг четига ... ётқиздик.

Мунаввар ... сув қуйди.

Ўтин ёниб ... бўлди.

Қўйиш учун сўзлар: чим, жим, гул, кул.



5. Нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган ундошлардан мосини қўйиб гапларни ўқинг.



Би...нинг ...ала ... овлимиз катта а...ҳор бўйида ...ойлашган. Болалар майдон...ада ў...надилар.



6. Ўқиймиз ва тез айтамыз.

Жўрабек билан Жавлон, жуда жўра жонажон.

Жарангли ундошларни топинг.





1. Суҳбатлашамиз.

Сизга қайси дарс кўпроқ ёқади? Нима учун? Ўз фикрингизни дўстларингизга айтинг.

математика	она тили	жисмоний тарбия
қозоқ тили	муסיқа	бадий меҳнат
инглиз тили	адабий ўқиш	рус тили



2. Сўзлаймиз.

Ўқиш дарси

Дарс бошланди. Ўқитувчи Одил ва Мансурга ҳикояни ўқитди. Севара тушунганини гапириб берди. Муниса саволларга **жавоб** берди. Азимбек ҳикояга **сарлавҳа** топди. Биз ҳикоя режасини туздик. Дарсда ҳамма яхши ишлади. Ўқитувчимиз **хурсанд** бўлдилар.

Сиз ўқиш дарсларида яна қандай вазифаларни бажарасиз? Ажратиб берилган сўзларни кўчириб, жарангли ундошларни белгиланг.



3. Ўйлаймиз ва ёзамиз.

Она тили дарсларида қандай ишларни бажаришингиз ҳақида айтинг ва 3 та гап тузиб ёзинг.

- 1.
- 2.
- 3.



4. Аниқлаймиз.

Расмга қараб Санжарга қайси дарслар ёқишини аниқланг. Шу дарслар ҳақида сўзлаб беринг.




5. Фикрлаймиз.

Ўз дарс жадвалингиз ҳақида сўзлаб беринг. Қайси дарслар ёқмайди? Нима учун? “Менинг севимли дарсим” мавзусида постер тузинг.



6. Мақолни ўқинг ва мазмунини тушунтиринг.

Олим бўлсанг, олам сеники.





1. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг. Шеър қайси дарс ҳақида?

Масала


Тўп бўлишиб
Кўп бўлишиб
Ғани, Тоҳир
Анча оғир
Масалани
Ишлагани хўп киришди,
Кўп тиришди.
Ечди охир
Уни Моҳир.



Ажратиб берилган сўзлардаги жарангсиз ундошларни аниқланг.



2. Ақлбекка жарангсиз ундошларни топишга ёрдам беринг.





3. Ёзамиз.

Ўқинг, жуфтлаб берилган сўзларнинг биринчи товушини талаффуз қилинг. У қандай товуш? Жаранглими ёки жарангсизми?

Дор – тор, гул – кул, ваҳм – фаҳм, жим – чим.

Кўчиринг. Жарангсиз ундош товушни билдирган ҳарфнинг тагига чизинг.



4. Сўзлаймиз.

“Мактабда нималарни ўргандим?” мавзусида партадошингиз билан суҳбатлашинг.



5. Фикрлашамиз ва аниқлаймиз.

Фойдаланиш учун берилган сўзларни қўйиб ҳазил шеърни ўқинг.

Шуҳратжон ва Омон

Дарсга кирар Шуҳратжон

Ўқиб шуҳрат ...

Дарсга қатнашар Омон

Нуқул писта ...

Фойдаланиш учун сўзлар: топгани, чаққани.

Шуҳратжон ва Омоннинг қандай ўқувчи эканлигини Венн диаграммаси орқали кўрсатинг.



6. Аниқлаймиз.


Санжар билан Сарвар сўзлар ёзишди. Уларни ўқинг. Ким жарангсиз ундош товуш билан бошланадиган сўзларни ёзган? Шу сўзларни ёзинг.

Санжар

Болға, рўмол, вагон, жўжа, зирак, дутор, ғалла, ниначи, гулзор, ранда.

Сарвар

Пахта, фартук, само, хат, центнер, қопқоқ, тош, кенг, шамол, стул.



ЖАРАНГЛИ ВА ЖАРАНГСИЗ УНДОШЛАР



1. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Болалар нима қилишяпти? Гаплар тузинг.



1. Синфингизда навбатчилик жадвали борми?
2. Сиз қачон, ким билан навбатчилик қиласиз?
3. Навбатчининг вазифаси нима?





2. Ёзамиз.

Матнни ўқинг ва кўчириб ёзинг.

Навбатчилар

Бугун Давлат билан Назира навбатчи бўлдилар. Давлат синфдаги гулларга сув қуйди. Назира чангларни артди. Синфимиз доим тоза, ўқувчилар озода.

Иккинчи гапдаги жарангли ундош билан бошланган сўзларнинг тагига чизинг.



3. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Содиқ, Собир, Соҳибнинг носоз соатини соҳилда созлади.



4. Фикрлашамиз.

Шеърни ифодали ўқинг.

Ёруғ берар деразам,
Ойналари синмасин.
Озода турай ҳар дам,
Чанг ва тўзон инмасин.
Ўз партангда ўтир жим,
Пичоқ билан ўймагин.
Менда оласан илм,
Буни яхши ўйлагин.

1. Синфхонанинг илтимоси кимларга қаратилган?
2. У нима учун илтимос қиляпти?
3. Шеърдаги жарангсиз ундош билан бошланган сўзларни топинг ва айтинг.



5. Аниқлаймиз ва ёзамиз.

Мазмунга мос сўзларни қўйиб, гапларни кўчиринг.

Боғбон, кўчатни (эгди, экди). Шамол кўчатни (экди, эгди).

Кўчатларимиз бир текис (ўзди, ўсди). Карим мусобақада ҳаммадан (ўсди, ўзди).



6. Ўйлаймиз.

Синфингизда қандай жиҳозлар бор. Уларнинг номларини айтинг.



носоз
чароғон
соҳил

биз синфдаги навбатчилик вазифаларини; шеър мазмунини сўзлашни; гаптаги жарангли ва жарангсиз ундошлар билан бошланган сўзларни топишни ўргандик.



ЖАРАНГЛИ ВА ЖАРАНГСИЗ УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ЁЗУВДА ИФОДАЛАНИШИ



1. Ўқиймиз. Ўқинг.

Хурмат тахтаси

Синф ҳурмат тахтасига аълочилар сурати қўйилган. Ҳурмат тахтасида синфдошларимиз Озод Абдуллаев, Зайнаб Мақсудова, Мурод Камолов ва Ҳабиб Рустамовларнинг суратлари бор. Биз улар билан фахрланамиз.

Матнда берилган ўқувчиларнинг исмларини алоҳида талаффуз қилинг. Нимани сездингиз? Сўз охирида келган Д, Б товушлари қандай эшитилипти?

Билиб олинг!

*Сўз охирида келган жуфти бор ундош товушнинг ёзилишини текшириш керак. Сўз охирида келган жуфти бор ундошнинг ёзилишини текшириш учун ундошдан сўнг унли қўшиб, сўз ўзгартирилади:
авлод – авлоди, мактаб – мактаби.
Ундошдан сўнг унли келган авлоди, мактаби каби сўзлар текширувчи сўз ҳисобланади.*



2. Ёзамиз.

Ўқинг. Кўчиринг.




Зиёд – Зиёда, мақсад – мақсадим, озод – озода,
мактаб – мактаби, рубоб – рубоби, жавоб – жавоби.

Қайси сўзларнинг охирида жарангсиз ундош товуш
эшитиляпти? Шу сўзларнинг тагига чизинг.



3. Сўзлаймиз.

Синфингиздаги қайси ўқувчиларнинг расмларини
ҳурмат тахтасига жойлаган бўлар эдингиз? Нима
учун? Уларнинг исмларини дафтарингизга ёзинг.



ЖАРАНГЛИ ВА ЖАРАНГСИЗ УНДОШЛИ СЎЗЛАРНИНГ ИМЛОСИ



1. Сўзлаймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър кимлар ҳақида?

Ёрдам аямас ҳар он,
Устоз – энг азиз инсон.
Устозга биз ҳавасда
Тақдим этдик гулдаста.
Бўлди рангин капалак,
Устозга айтдик тилак.
Жарангласин қўнғироқ,
Дарслар бошлансин тезроқ!

Раим Фарҳодий

Сиз устозингизга қандай тилаклар айтган бўлардингиз?



2. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг. Кўчиринг.

Ўрганар аввал одоб
Китоб ўқиган бола.
Юзи бўлади офтоб
Китоб ўқиган бола.

Пўлат Мўмин

Қайси сўзлар охирида п товуши эшитилади, аммо б ҳарфи ёзилади. Шу сўзларни текширинг.



3. Аниқлаймиз.

Таянч сўзлардан фойдаланиб, Санжарга ўз устозларини таърифлашга ёрдам беринг.

Таянч сўзлар: меҳрибон, вазмин, оқкўнгил, билимли, адолатли, камтарин, қувноқ, ғайратли, ижодкор, моҳир.





4. Ёзамиз.

Гапларни ўқинг. Тушириб қолдирилган ҳарфларни нуқталар ўрнига қўйиб кўчиринг. Ёзилиши текшириладиган ҳарфнинг тагига чизинг.

Мақта.. – билимнинг боғи. Кито... – билим манбаи. Муру... – одо...ли бола. У топшириқларни тўғри бажаради.



5. Аниқлаймиз.



Гапларни ўқинг. Ҳар бир гаптаги ёзилиши текшириладиган ундошли сўзни аниқланг.

Рашид – мард бола. Отам рубоб чалди. Офтоб нур сочи. Умид мусобақада ғолиб бўлди.



6. Расмга қаранг.

Болалар қўлидаги шарларга жарангли ундошлар ёзилган. Шарлардаги ундошларнинг тушиб қолган жарангсиз жуфтини айтинг.





1. Ўқиймиз. Шеърни ўқинг.

Қочиб кетди

Бир ўқувчи чўчиб кетди,
Танаффусда қочиб кетди.
Ё қочдими тоби унинг
Бирдан ранги ўчиб кетди.
Хаёллари ғув-ғув ари
Қар томонга учиб кетди.
Олиб папка, пальтосини
Гўё тезда кўчиб кетди.
Бажармабди уй ишини
Ўз сирини очиб кетди.
Ўқитувчи сўрайди деб
Дарсдан ура қочиб кетди.



Пўлат Мўмин

Матнда ажратиб кўрсатилган сўзларни ўқинг.
Талаффузи ва имлоси фарқ қиладиган ундошни
изоҳланг.



2. Сўзлаймиз.

1. Танаффусда қандай воқеа бўлди?
2. Сиз танаффусни қандай ўтказасиз?
3. Расмга қараб танаффус ҳақида сўзлаб беринг.





3. Ёзамиз.

Сўзларни ўқинг. Ўғил болалар исми охирида қайси ҳарфлар тушириб қолдирилган?

Хуршида – Хурши..., Зоҳида – Зоҳи..., Мақсуда – Мақсу..., Ҳабиба – Ҳаби..., Рашида – Раши..., Умид – Уми..., Азиза – Ази....



4. Аниқлаймиз.

Ўқинг. Тушириб қолдирилган ҳарфларни қўйиб мақолларни ўқинг.

Ҳалол меҳнат – мўл дарома....

Аччиқ савол бериб,

Ширин жаво... кутма.

Мар... майдонда билинар.



5. Ёддан ёзамиз.

Боғда

Боққа кирсам олмалар

Қип-қизариб пишибди.


Силкитибди шамоллар

Ерга тўп-тўп тушибди.

Ёддан ёзинг. Жарангли ундош товушларни ифодалаган ҳарфларнинг тагига чизинг.



тоби
даромад



биз расм асосида
сўзлашни;
сўзларга мос ҳарфлар
қўйиб ёзишни
ўргандик.

45

Дарс

МАКТАБИМИЗДАГИ ТЎГАРАКЛАР



1. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг. Саволларга жавоб беринг.



1. Мактабингизда қандай тўғараклар бор?
2. Сиз қайси тўғаракка қатнашасиз?





2. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Ҳилола ва Зилола

Икки қувноқ дугона,
Сўзлари дона-дона,
Бир-бирига парвона
Кулгулари шалола.
Сўзлари нақ рисола,
Ўқувчи қиз Ҳилола,
Ўқувчи қиз Зилола.

1. Шеър кимлар ҳақида?
2. Жарангсиз ундош товушларни ифодалаган ҳарфлар тагига чизинг.



3. Аниқлаймиз.
Матнни ўқинг. Талаффузда қайси сўз охиридаги ундош товушнинг жарангсиз жуфти айтиляпти?

Тўғаракда

Ҳамма ўқувчилар ўз иши билан банд бўлди. Тўғарак раҳбари ўқувчиларнинг ишларини текширди. Озода мунчоқдан гулдаста ясади. Зиёда чиройли шарф тўқиди. Зарина қўғирчоғига кўйлак тикди. Кейин биргалашиб бир-бирларининг ишларини томоша қилишди.



4. Тез айтишни тез-тез айтинг.

Оқил оқ олма олди,
Оқ олмани Оқил олди.



5. Ўйлаймиз.

Таянч сўзлардан фойдаланиб “Менинг ютуқларим” мавзусида ҳикоя тузинг.


Таянч сўзлар: муваффақиятга етиш, тинимсиз меҳнат, изланиш, ижод қилиш.



6. Аниқлаймиз.

Сўзларни ўқинг. Фақат жарангсиз ундош ҳарфли сўзларни аниқланг.

Шахмат, режа, хат, соф, дарс, пуфак, катта, ижод, тахта, стол, ток.





1. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Ўқувчилар қаерга келдилар? Кутубхона ҳақида дўстингиз билан суҳбатлашинг.



2. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг. Матн нима ҳақида?

Кутубхонада

Мақтабимизда катта кутубхона бор. У ёруғ ва озода. Кутубхонада кўплаб шоир ва ёзувчиларнинг суратлари бор.

Китоб жавонларида турли жанрдаги китоблар туради. Ҳаммамиз кутубхонага аъзомиз. Хоҳлаган китобимизни олиб ўқиймиз. Кутубхоначи опамиз бизга китоб танлашда ёрдам беради.



3. Аниқлаймиз.

1. Матнда нечта гап бор?
2. Биринчи гапдаги сўзларни бўғинга ажратиб чизиқча билан ёзинг. Жарангсиз ундош ҳарфнинг тагига чизинг.



4. Ўйлаймиз ва ўйнаймиз.

Дўстингиз билан “Кутубхонада” мавзусида диалог тузинг.







5. Ұйлаймиз ва ёзамиз.

Сўз ўйини. Бўш катакларга бўгин қўйиб, сўзлар ҳосил қилинг. Сўзларни ёзинг. Жарангсиз ундош ҳарфлар тагига чизинг.

Даф		вуз
Руч		рам
Туф		мон
Ўқув		роқ



жавон
жанр



биз матн мазмуни-
ни сўзлашни; бўгин-
лардан сўз ҳосил қи-
лишни ўргандик.

АЙТИЛИШДА ТУШИБ ҚОЛАДИГАН ТОВУШЛАР



1. Ұқиймиз, үйлаймиз.
Топишмоқларни ўқинг, жавобини топинг.

Қандай созлаб олсангиз
Мен ўшандай куйлайман.
Шу тафайли, ҳурматим
Жойида деб ўйлайман.
Мени чангдан авайлаб,
Бахмалларга ўрайсиз...
Гапингизга кирмасам
Қулоғимни бурайсиз.



Нафас олсам, чалинаман
Қаттиқ чўзманг, ялинаман.
Бўйнингизга мени осинг
Тугмаларим тўғри босинг.



Биринчи топишмоқдаги мусиқа асбобининг номини айтинг. Сўз охиридаги ундошнинг талаффузини изоҳланг.



2. Ўқиймиз, ёзамиз.

Нуқталар ўрнига д, т ҳарфларидан мосини қўйиб кўчиринг.

Хурсан..., балан..., дарах..., пас..., фарзан..., пайван..., рос..., дўс....

Шу сўзларнинг айтилиши ва ёзилишида қандай фарқ бор?

Хурсанд, рост каби сўзлар охиридаги Д ва Т ундошлари талаффузда тушиб қолади, аммо ёзувда сақланади.



3. Ўйлаймиз.

Дўстларингиз билан биргаликда таянч сўزلардан фойдаланиб мусиқа дарси қоидаларини тузиб чиқинг.



Таянч сўзлар: баланд, паст, дўст, хурсанд, жуфт.



4. Мақолларни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Меҳнатдан дўст ортар.

Режасиз иш – қолипсиз ғишт.

Талаффузи ва ёзилишида фарқ қилган сўзларнинг тагига чизинг.



5. Сўзлаймиз.

Расмга қараб “Мақтаб хори” мавзусида матн тузинг.



бахмал
пайванд
қолипсиз

биз талаффузда ту-
шиб қоладиган товуш-
ларнинг ёзилишини;
расмга қараб гаплар
тузишни ўргандик.



48

Дарс

АЙТИЛИШДА ТУШИБ ҚОЛАДИГАН ТОВУШЛАР



1. Сўзлаймиз.

Жисмоний тарбия дарсида сизга нималар кўпроқ ёқади? Сўзлаб беринг.





2. Ўқиймиз.

Сенинг қанча дўстинг бор?

Синфимизда, футболда,
Мақтабда, баскетболда,
Ҳовлимизда, кўчада,
Вақтим қувноқ кечади
Менинг дўстим жуда кўп.
Абдулла билан бирга
Бораман мақтаб тирга
Ҳовлида Сергей кутар,
Дўстлар-ла умрим ўтар.

Ҳабиб Саъдулла

1. Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўғинларга ажратиб ёзинг. Жарангли ундошларнинг тагига чизинг.
2. Сиз ўртоқларингиз билан бирга қандай спорт ўйинларини ўйнайсизлар?



3. Аниқлаймиз.

Ўқинг. Топишмоқнинг жавобини топинг.

Отдан баланд, итдан паст.

Кўчиринг. Талаффуз ва ёзишимизда фарқ қилган сўзларнинг тагига чизинг.



4. Ұйлаймиз.

Санжар туширилган д ёки т ҳарфларидан мосини қўйиб сўзларни ёзди.
Ўқинг.

Дўст, хурсанд, жуфд, баланд, кафт, фарзант,
гўшт, пайвант, минаддор, Самарқанд.


Тўғри ёзганми? Хатоларини тўғирлаб кўчиринг.




5. Ұйлаймиз.

Топишмоқларнинг жавобини топинг.

Тап-тап этади,
Урсам, учиб кетади.



Синглимга ўхшар ўзи,
Асло юмилмас кўзи.



АЙТИЛИШИ ВА ЁЗИЛИШИДА ФАРҚ ҚИЛАДИГАН УНДОШЛАР



1. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Болалар қаерда овқатланишяпти?



Мактаб ошхонасида қандай таомлар тайёрланади? Ошхонада овқатланиш одоби ҳақида қайси қоидаларни биласиз?



2. Аниқлаймиз, ёзамиз.

Нуқталар ўрнига б, п ундошларидан мосини қўйиб сўзларни ўқинг ва ёзинг.

Рубо..., асбо..., одо..., ҳисо..., кито...



3. Ұйлаймиз.

Санжар дўстига ўзи еб ўтирган овқат ва салатларини суратга олиб жўнатибди.

Сиз овқат ва салат қандай масаллиқлардан тайёрланганини аниқланг.



4. Ұқиймиз ва аниқлаймиз.

Ұқинг.

Қандай овқатланиш керак?

Овқатни шошмасдан, яхшилаб чайнаб, кейин ютиш лозим. Шунда овқат ошқозонда яхши ҳазм бўлади. Овқат жуда иссиқ ҳам, жуда совуқ ҳам бўлмаслиги керак. Ётган ҳолда овқатланиш ёки уйқуга ётишдан олдин тўйиб овқат ейиш зарарли. Шунинг учун тўғри ўтириб, гавдани тўғри тутган ҳолда овқатланинг.

Овқатланишдан олдин қўлларингизни ювишни унутманг.

Қандай маҳсулотлар витаминга бой бўлади деб ўйлайсиз?

Қайси сўзларда Б ундоши ёзилиб П товуши эшитилади? Шу сўзларни ёзинг.





5. Тез ва тўғри ўқинг.

Олти жуфт оқ чинни чойнакка тўрт жуфт кўк қопқоқни, тўрт жуфт кўк чинни чойнакка олти жуфт оқ қопқоқни ёпиб бўладими?

Айтилишида тушиб қоладиган ундошли сўзларни айтинг.



6. Ўқиймиз ва ёзамиз.

Овқатланиш одоби ҳақидаги қоидаларни ўқинг ва уларга амал қилинг.

Овқатланаётганда гаплашманг. Нонни меъёрида олинг. Мазали овқат учун ошпазга миннатдорчилик билдиришни унутманг.



П, Ф УНДОШЛИ СЎЗЛАРНИНГ ИМЛОСИ



1. Ўқиймиз.
Ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Бобом яратган боғлар

Олма, ўрик, олчазор –
Бобом яратган боғлар.
Яшнаб турар чаманзор,
Доим димоғим чоғлар.
Ғарқ пишган гилос, узум,
Шафтолилар ранго-ранг.
Нашватилар олар кўзим,
Егингиз келар, қаранг.

Мурод Раҳмон

Шеърда қандай мевалар ҳақида айтилган? Уларни бўғинга кўчириш қоидасига кўра бўғинларга ажратиб чизиқча билан ёзинг.





2. Сўзлашамиз.

Расмга қаранг. “Мақтаб боғида” мавзусида ҳикоя тузинг.



3. Ёддан ёзамиз.

Ўқинг. Мақолни ёддан ёзишга тайёрланинг.

Дарахт япроғи билан кўркам,
Одам меҳнати билан кўркам.



4. Аниқлаймиз.

Нуқталар ўрнига п, ф ундошларидан мосини қўйиб, сўзларни кўчиринг.

Бу...ет, бина...ша, ша...толи, ша...қат, ...айванд, ...алов, ...араграф, ...арвоз, ту...ли, ...азилат, ...онарь.



5. Ёзамиз.

Ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Ота пастга қараб эгилган шохларни кўтариб, тирагич қўйди. Қуриган шохларни эса қирқиб ташлади. **Дарахтлар тагини чопиб юмшатди.**


Ажратиб берилган сўзлардаги жарангсиз ундошлар тагига чизинг.



6. Ўйлаймиз ва ўйнаймиз.

Берилган ҳарфлардан П, Ф ундошлари билан бошланадиган бир бўғинли сўзлар тузинг.

Ф, р, а, л, ь, и, с, п, к, н, о, у, т, я.





- 1. Сўзлаймиз.**
Шеърдан парчани ўқинг.

Ўқувчи сендан талаб,
Мактабга бор эрталаб.
Ўқи бериб меҳрингни,
Қўйиб кўнги зехнингни.
Чалинганда қўнғироқ
Синфингда бўл, ўртоқ.
Бошланса синфда дарс
Огоҳ бўлгин ҳар нафас.
Анқайма ва лалайма,
Тўғри ўтир, шалпайма.



Қуддус Муҳаммадий

Шоир ўқувчига қандай талаблар қўйяпти?



- 2. Жуптликда ишланг.**
Қуйидаги берилган қоидаларни ўқинг. Қоидалар
тўғрими ёки нотўғрими?
Партадошингиз билан талқин қилинг.

Мактаб қоидалари

1. Танаффусда тўполон қилинг.
2. Ўқитувчининг гапларига диққат билан қулоқ солинг.
3. Дарсда ухлашга бўлади.
4. Саволларга ўйлаб жавоб беринг.

5. Синфдаги партага расм чизинг.
6. Дераза тоқчасидаги гулларни синдирун.

Тўғри фикрларни дафтарингизга ёзинг.



3. Ёзамиз.

Матнни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Мактаб қоидалари

Мактабда ўқувчи устозлари ва ўртоқларига ҳурмат билан муомала қилиши лозим. Билимли ўқувчининг фазилати унинг одобидир.

Жарангли ундош ҳарфларнинг тагига чизинг.



4. Тинглаймиз.

Шеърни тингланг. Мазмунини сўзланг.

Мактабдан қайтаётиб

Кўринг битта болакай
Мактабдан қайтаётиб,
Қолибди лойга ботиб.
Яна битта болакай,
Мактабдан қайтаётиб,
Тойди сирпанчиқ отиб.
Ўшандай бир болакай,
Мактабдан қайтаётиб,
Дийдирар совуқ қотиб.
Тағин бир болакай,
Мактабдан қайтаётиб,
Келар қушга тош отиб.



Бир ландавур болакай,
Мактабдан қайтаётиб,
Юрар папка йўқотиб.
Яшасин бир болакай,
Мактабдан қайтаётиб,
Келмоқда завқ уйғотиб.

Пўлат Мўмин

Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг айтилиши ва ёзилишидаги фарқни тушунтиринг.



лалайма
огоҳ бўлгин
дийдиарар
завқ
ландавур

биз сўздаги
жарангли ундошлар-
ни аниқлашни;
мактаб қоидаларини
ўргандик.

МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН МАКТАБ



1. Ұқиймиз.
Матнни ўқинг.

Орзуимдаги мактаб

Менинг исмим Аброр. Ёшим 8 да. Мен иккинчи синфда ўқийман. Мактабимни, дўстларимни жуда яхши кўраман. Мен ўзим орзу қилган мактаб ҳақида гапириб бермоқчиман.

Орзуимдаги мактаб – катта, чиройли ва замонавий. Бассейн, усти ёпиқ футбол майдони бор. Ҳар бир ўқувчи учун столида компьютер қўйилган. Учинчи қаватга бир зумда етказадиган лифтлар ишлаб туради. Мактаб боғида қишин-ёзин мевалар пишиб туради.


Аброр қандай мактабни орзу қилди?





2. Ёзамиз.

Сиз қандай мактабда ўқишни орзу қиласиз? Шу мактаб ҳақида ёзинг.



3. Аниқлаймиз.

Шеърни ифодали ўқинг.

Мактабим

Мен дунёда бахтиёр,
Ҳеч чекмайман алам-зор.
Ватаним мангу гулзор
Қадрдоним мактабим.
Аъло ўқишдир бурчим,
Сарф этаман бор кучим.



Ишлайман халқим учун,
Қадрдоним мактабим.

Илӧс Муслим

Шеърдаги уч бўғинли сўзларни кўчириб ёзинг.
Жарангсиз ундош ҳарфлар тагига чизинг.



4. Ёддан ёзамиз.
Шеърни ўқинг. Ёддан ёзишга тайёрланинг.

Кўрсанг ўзингдан катта,
Иzzат қилгин албатта.
Ёқимтой бўл ҳар ерда,
Мактаб, кино ва уйда.



5. Фикрлаймиз.
Мақолни ўқинг, мазмунини шеър мазмунига
боғлаб тушунтиринг.

Каттага салом бер,
Кичикка – калом.



МЕНИНГ ҚАДРДОН ЎЛКАМ

КЕТМА-КЕТ КЕЛГАН БИР ХИЛ УНДОШЛАР



1. Сўзлаймиз. Матнни ўқинг. Мазмунини сўзланг.



Қозоғистон – бизнинг Ватанимиз

– Сиз қайси мамлакатда туғилгансиз? – деб сўради мендан француз ёзувчиси.

– Қозоғистон Республикасида.

– Эҳ қандай катта, гўзал мамлакат! Қозоғистон давлатининг ерига Францияга ўхшаган бешта давлат жойлашиши мумкин.

– Ҳа! – деб жавоб бердим мен гурур билан. Қозоғистон ери Олтой тоғларидан то Уралнинг ям-яшил қирғоқларигача, Қоратоғ тоғидан тортиб, Петропавл шахригача чўзилиб кетган...

Музаффар Алимбаев

1. Қозоғистон майдонини харитадан кўрсатинг.
2. Ажратиб берилган сўзни бўғинга ажратиб айтинг, нимани сездингиз?





2. Аниқлаймиз.

Ўқинг. Шу сўзларнинг ёзилишида қандай бир хиллик бор?

Иззат, лаббай, пилла, катта, ҳисса, чаққон, тонна, пашша, қувват, содда, какку, қиммат, оппоқ, арра, танаффус, аччиқ.

Сўзларни ёзинг. Кетма-кет келган бир хил ундошларнинг тагига чизинг.

Билиб олинг!

Баъзи сўзларда бир хил ундош ҳарфлар кетма-кет келади: галлакор, табассум.



3. Ёзамиз.

Ўқинг. Шеър нима ҳақида ёзилган?

Дўстлар давраси катта,
Қирқ хил миллат жўрамиз.
Бир майизни, албатта
Бирга баҳам кўрамиз.

Шукур Саъдулла



Кўчиринг. Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларнинг тагига чизинг.







4. Ўйлаймиз.

Расмларга қаранг. Нималар тасвирланган? Таянч сўзлардан фойдаланиб гаплар тузинг.



Таянч сўзлар: ғаллакор, оппоқ, тонна, қиммат, катта, ҳисса.





1. Фикрлашамиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нима ҳақида?

Ватан

Туғилиб ўсдим бу ватанда
Ватаним мисли йўқ жаҳонда!
Тупроқлари унумликдир,
Манзараси кўркамликдир.
Бир тарафда тоғлар бор,
Меваси мўл боғлар бор.
Тоғлардан конлар чиқар,
Ерларидан донлар чиқар.
Боғларидур ширин-шарбат
Анжир, узум, анор, нашват.

Абдулла Авлоний

Сиз туғилиб ўсган ерингизни қандай таърифлайсиз?



2. Аниқлаймиз.

Диёрбек ўзи туғилиб ўсган ерини таърифлаб ёзди.

Ўқинг, хато ёзилган сўзларни тўғирлаб, дафтарингизга ёзинг.

Бу Диёрбек



Бизнинг қишлоғимиз жуда чиройли ката. Еримизда бугдой, сули, мажархори каби ўсимликлар ўсади. Далаларимизда оппоқ пахталар чаман бўлиб очилади. Боғлардаги мева-

ли дарахтлар тоналаб ҳосил беради. Қишлоғимизда турли миллат вакилари аҳил яшамоқда, меҳнат қилмоқда. Катта бўлсам, қишлоғимизнинг гулаб-яшнашига ўз ҳисамни қўшаман.



3. Ёзамиз.

Мақолларни ўқинг.

Ҳар йили тутамиз пилла: пилла эмас, асл тилла.
Аввал ўйла, кейин сўйла.

Кўчиринг. Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларнинг тагига чизинг.



4. Ўйлаймиз.

“Мен туғилган ер” мавзусида кичик ҳикоя тузинг. Ҳикоянгизда оила аъзоларингиз, дўстларингиз ҳақида ҳам ёзинг.



5. Мақолларни ўқинг, мазмунини тушунтиринг.

Айрилмагин элингдан,
Қувват кетар белингдан.

Ватан тупроғи – қиммат.



55


Дарс

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАР



1. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг. Шаҳар ва қишлоқларни қиёсланг. Улар орасидаги фарқни ва ўхшаш томонларини айтинг.





2. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг, шоир шеърда нима ҳақида ёзган?

Ватанни сев, тупроғини ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп
Жондан азиз юрагимизга.

Ойбек

Кўчиринг. Кетма-кет келган бир хил ундош ҳарфли сўзларнинг тагига чизинг.



3. Фикрлашамиз.

Шаҳар билан қишлоқ

Шаҳар билан қишлоқ тортишиб қолишибди:

– Мен одамларга энг кўп фойда келтираман. Бизда анча қизиқарли, – деди мақтаниб шаҳар.

– Нимаси қизиқарли экан? – сўради қишлоқ.

– Бизда чиройли майдон бор, у ерда байрам тантаналари ўтади. У мустақиллик майдонидир, – жавоб берди шаҳар.

– Бизда ҳам марказий майдон бор. У ерда ҳамма байрамлар ўтади, – деди қишлоқ.

– Бизда музей, хиёбонлар, кинотеатр ва театрлар кўп. Уларда одамлар ишдан кейин ва якшанба кунлари ҳордиқ чиқарадилар, – деб яна мақтана бошлади шаҳар.

– Бизда ҳам кинотеатр, маданият саройлари, клублар бор. Булардан ташқари яна кичик дарё, кўл, ўрмонлар бор, – жавоб берди қишлоқ.

– Бизда эса фабрика ва заводлар бор. У ерда кийим-кечак, пойабзал тикилади, қишлоқ хўжалик машиналари тайёрланади, – деди шаҳар...

Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги баҳсни дўстларингиз билан давом эттиринг.

Шаҳар билан қишлоқ бир-бирига қандай ёрдам беради?



4. Шаҳар билан қишлоқнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини “Венн диаграммасида” кўрсатинг.



5. Ҳайлаймиз.



Катакчаларга шаҳар ва қишлоқ номларини жойлаштиринг.

Нур-Султон, Семей, Сайрам, Павлодар, Қорамурт, Қўшқўрғон.

--	--	--	--	--

--	--	--	--	--

Қайси сўзлар сиғмади? Шу сўзларга ўзингиз катакчалар чизинг ва жойлаштиринг.



БИЛАН, ҲАҚИДА, ЁНИДА,
ОЛДИДА СЎЗЛАРИ

1. Ўқиймиз.

Туркистон – Қозоғистондаги қадимий шаҳарлардан бири. Туркистонга келган саёҳатчилар энг аввало Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасига борадилар. Мақбара 15 асрда қурилган. Мақбара яқинида қадимий ҳаммом ҳам бор. Мақбара ичидаги дошқозон, турли қимматбаҳо экспонатлар дунёга машҳур. Мақбаранинг эшикларини ўз замонасининг истеъдодли **наққошлари** ишлашган.



1. Матн қайси шаҳар ҳақида?
2. Шаҳар ҳақида нималарни билиб олдингиз?
3. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг айтилиши ва ёзилишини тушунтиринг.





2. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг. Бу буюмлар нимага ишлатилганлиги ҳақида дўстларингиз билан суҳбатлашинг.



3. Ўйлаймиз.

Туркистон шаҳри ҳақидаги матн ва расм асосида билан, олдида, ёнида, ҳақида сўзларини қатнаштириб гаплар тузинг.



4. Ўқиймиз.

Гапларни ўқинг. Ажратиб берилган сўзлар ҳақида нима дея оласиз?

Аббос билан Носир музейга боришди. Музей ёнида катта хиёбон бор. Улар ўлкамиз тарихи ҳақидаги экспонатларни томоша қилишди. Айниқса, қадимий рўзғор буюмлари олдида узоқ туришди.

Кўчиринг, ажратиб берилган сўзларнинг тагига чизинг.



Билиб олинг!

Билан, ҳақида, ёнида, олдида сўзлари мустақил сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади. Улар бирор сўроққа жавоб бўлмайди.



5. Ёзамиз.

Чизиқчалар ўрнига ёнида, ҳақида, олдида сўзларидан мосини қўйиб гапларни ўқинг ва ёзинг.

Циркнинг ... катта савдо маркази бор. Мактабимиз ... шаҳар кутубхонаси жойлашган. Биз циркдаги ҳайвонлар ҳаёти ... фильмни томоша қилдик.





6. Ўқиймиз.

Мақолни ўқинг.

**Булбул чаманни севар,
Одам ватанни.**

Ажратиб кўрсатилган сўзларни бўғинга ажратиб айтинг.



КЕТМА-КЕТ КЕЛГАН БИР ХИЛ УНДОШЛИ СЎЗЛАРНИ БЎҒИНГА КЎЧИРИШ



1. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Нималар тасвирланган?



Циркда бўлганмисиз?

Циркда қандай томошалар кўрсатилади?

Билан, ҳақида, ёнида, олдида сўзларини қатнаштириб гаплар тузинг.



2. Ўқиймиз.

Шеърни ўқинг. Шеър ким ҳақида?

Масхарабоз бола

Катта қизил бурунли
Қизиқчиман, биласиз.
Айбингизни гапирсам,
Хафа бўлмай куласиз.
Вах-хах-ха.
Гапиришдан ийманган
Олсин менинг ўрнимни.
Қарзга бериб тураман,
Катта қизил бурнимни
Вах-хах-ха.



Жарангли ундош билан бошланган сўзларни
кўчириб ёзинг.

Ажратиб берилган сўзларни бўғинга ажратиб
айтинг.



3. Ёзамиз.

Сўзларни ўқинг.

Аббос, Зуннун, Манноп, Мукаррам, Муяссар,
Мунаввар, Муқаддам, Муҳаммад, Муҳаббат.

Кўчиринг. Ёзганларингизни текширинг.





4. Аниқлаймиз.

Масхарабоз ўқувчиларга таклифнома ёзди. Ўқинг. Хатоларини тўғирлаб кўчириб ёзинг. Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларни бўғинга ажратиб ёзинг.

Ассалому алейкум, дўстлар!

Сизларни цирка чақирамиз. Сизларга ёвойи ҳайвонлар томоша кўрсатади. Отлар тўсиқдан сакрайди. Чақон акробатлар муракаб ўйинлар ўйнашади.

Келинглари! Кутамиз!


Билетлар цирк кассасида сотилади.

Б.Момишўғли кўчаси 43-уй
Шимкент цирки.




Билиб олинг!

Кетма-кет келган бир хил ундош ҳарфли сўзлар бўғин кўчириш учун қуйидаги каби бўлинади: как-ку, лаз-зат, рас-сом.



ийманган
тўсиқдан
акробатлар



биз матнни ўқиб хатоларини тўғирлашни;
шеър мазмуни ни тушунтиришни ўргандик.



1. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Таянч сўзлардан фойдаланиб гаплар тузинг.



Таянч сўзлар: театр, қўғирчоқ, томошабин, антракт, актёр.



2. Ұйнаймиз.

Дўстларингиз билан адабий ўқиш дарслигида ўқиган эртагингиз асосида қўғирчоқ театри саҳнасини уюштиринг.



3. Ўқиймиз.
Матнни ўқинг.

Театрда

Шимкент шаҳрида ўзбек драма театри бор. Биз бугун ўқитувчимиз раҳбарлигида театрда бордик. Театр биноти чиройли ва катта. Театрда “Қайсар қуёнча” спектаклини томоша қилдик. Спектакль бизга жуда ёқди. Актёрларнинг маҳоратига қойил қолдик.

Театрда қандай қоидаларга риоя қилиш керак?
Сиз қандай эртакларни томоша қилишни хоҳлайсиз?

Биринчи ва охириги гапларни дафтарингизга кўчириб ёзинг.



4. Ёзамиз.
Шеърни ўқинг. Кўчиринг.

Чилла чиқиб

Қиш аёзи тобида
Қор эринмай бўралар.
Шох-шабба орасидан
Овчи сергак мўралар.



Турсунбой Адашбаев

Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларни аниқланг ва тагига чизинг.



5. Ўйлаймиз.

Кетма-кет келган В, Л ундошли сўзлардан топиб айтинг.





6. Ўйланг.



“Қиш” мавзусидаги суратни кузатинг ва ундаги хатоларни аниқланг. Нималар бўлиши мумкин эмас?



6. Тушириб қолдирилган ундошларни қўйиб, мақолларни ўқинг.

Ақл – ақлдан қув...ат олади.

Одоб – олтиндан қим...ат.





1. Ўқиймиз. Ривоятни ўқинг.

Табиат занжири

Тоғларнинг қор ва муз билан қопланган бағрида кунлардан бир куни Ирмоқ туғилди. Туғилди-ю, жилдираб пастга интилди. Йўлда ўзига ўхшаган тиниқ ирмоқчаларни учратиб, улар билан бирлашиб дарё ҳосил қилди. Дарё борган сари куч олиб, йўлида учраган тош ва дарахт парчаларини ағдариб, суриб кетар эди. Мана шу ерда у биринчи бор инсонни учратди.

Одам дарёга меҳр ва завқ билан қаради, унинг сувларига илиқ қўлини ботирди. Дарё унинг қўлларида меҳрни, кучни, иродани ҳис қилди. Инсонни заминнинг эгаси эканини сизди. Бундан кейин йўлида учраган ҳар бир инсон унинг сувларидан ичар ёки маза қилиб чўмилар эди. Дарё эса бундан хурсанд бўлиб, олдинга интиларди. Дарё йўлида борган сари ёмон одамларни кўпроқ учрата бошлабди, улар ўз манфаатлари учун дарёни ифлослантирар, унга ҳар хил чиқиндилар ташлар эдилар. Дарё эса чиқиндиларни четга чиқариб, тобора олдинга интилар, ўсимликлар ва жониворларни хурсанд қилишга шошилар эди.

Ривоят нима ҳақида?
Дарё қандай пайдо бўлади?

Матндан бир бўғинли сўзларни топинг.



2. Ұйлаймиз, аниқлаймиз.

Дарё ва кўлларнинг номларини ўқинг. Аввал дарё, кейин кўл номларини алфавит тартибида ёзинг.

Сирдарё, Орол, Зайсан, Балхаш, Олакўл, Иртиш, Чу, Или, Тенгиз, Марқакўл, Урал.



3. Фикрлашамиз.

Расмларга қаранг. Дарё ва кўлларнинг ифлосланишига нималар сабаб бўлиши мумкин?



Ифлосланган дарё номидан одамларга хат ёзинг.



4. Мақолни ўқинг. Мазмунини тушунтиринг.

Сувсиз ҳаёт йўқ.

Сув – ҳаёт манбаи.



5. Ёзамиз.
Шеърни ўқинг. Ёддан ёзинг.

Ариқча

Эй шўх ариқча,
Дам олгин пича.
Куну тун тинмай
Қайга оқасан?
Шилдир-шилдир
Куйинг билан менга ёқасан!

Анвар Қурбон



ирмоқ
завқ билан
занжир

биз ривоят мазмуни-
ни сўзлашни;
сўзларни алфавит
тартибида ёзишни
ўргандик.

60

Дарс

РЕЖА АСОСИДА ҲИКОЯ ЁЗАМИЗ



1. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг. Шеър нималар ҳақида?

Кенг далалар, ўрмон денгизлар,
Гўзал боғлар – бари бизники.
Дарё, кўллар, серҳосил ерлар
Олтин тоғлар ҳур элимники.

Шукур Саъдулла

Кўчиринг. Бир бўғинли сўзларнинг тагига чизинг.



2. Сўзлаймиз.

Расмга қаранг. Берилган режа асосида ҳикоя ту-
зинг.



Ҳикояга сарлавҳа қўйиб ёзинг.

Режа

1. Ёрмон нима?
2. Ёрмон ёсимликлари.
3. Ёрмон ҳайвонлари.
4. Ёрмоннинг фойдаси.



3. Ёқиймиз.

Ёртакни ёқинг. Мазмунини сўзланг.

Айиқ билан эчки

Эчки ёрмонда кетаётган эди. Унинг олдидан бир айиқ чиқиб қолди. У эчкига аччиқланиб:

– Бу йўл билан нега юрасан? – деди.

– Юришга бўлмайдими? – деди эчки.

– Бу йўлдан фақат менгина юришим мумкин.

Бу менинг йўлим! – деб бақирди айиқ. Шу вақтда арслоннинг гуриллаган овози эшитилди. У шу йўл билан келаётган экан. Айиқ қоча бошлади.

– Эй, айиқ оға йўлингни ташлаб қаёққа борасан? – деди эчки.

– Мен пайқабман. Бу йўл менинг йўлим эмас экан! – дебди айиқ.

Айиқ билан эчкининг овозига тақлид қила оласизми?





4. Ұйлаймиз.

Топишмоқларни ўқинг. Жавобини топинг.

Сув остида макони,
Чувалчанг унинг жони.
Қўлда турмайди силлиқ,
Танга тўнли у (...).




Дум-думалоқ қубба игнам,
Мато эмас, йўқ гинам.



5. Ұйлайми ва ўйнаймиз.

Расмлардаги жониворларнинг номларини алфавит тартибида айтинг.



хур
гуриллаган
қубба
гина

биз ўрмон ҳақида
сўзлашни;
эртак мазмунини ай-
тиб беришни;
ҳайвонлар овози-
га тақлид қилишни
ўргандик.

ИЙ, ЙИ, УВ, ЙЎ ҲАРФ
БИРИКМАЛАРИ

1. Ўқиймиз.
Матнни ўқинг.

Тоғда

Йўлдош тоғ этакларида ёввойи олмаларни териб юрарди. Қоя тош устида бир кийикнинг типирчилаётганини кўриб қолди. Бургут темир панжаларини кийикка қадаган эди.

Бургутнинг тумшуғи ўткир найзага ўхшарди. Тирноқлари тифдай қайрилган. Кўзлари мунчоққа ўхшаб ўйнаб турибди. Эргаш иккиланмай бургутга ўқ узди. Яраланган бургут кийик устидан қулади. Кийик тирик қолди. Йўлдош сулайиб ётган бургут тепасига бориб қаради. Бургут тирик экан. Уни авайлаб қопига солди ва бобоси Йўлчи отага олиб борди. Йўлчи ота машҳур бургутчи. У бургутни даволади.

Воқеа қаерда содир бўлган?
Йўлдош тўғри иш қилдими?
Тоғда яна қандай ҳайвонлар яшайди?
Ажратиб берилган сўзларнинг талаффузига эътибор беринг.



2. Ёзамиз.
Ўқинг. Ий ҳарф бирикмасининг ўқилишига эътибор беринг. Кўчиринг.

Йўлдош – зийрак йигит. У синглисига зирак совға қилди. Бобо бургутни сичқон билан сийлади. Йўлдош бургутни силади.

Ажратиб берилган сўзларнинг маъносини айтинг.



3. Аниқлаймиз.

Расмларга қаранг.

Тоғда ўсадиган дарахтлар ва ўсимликлар номини аниқланг. Уларни дафтарингизга ёзинг.



қоя тош
панжаларини
найзага
сийлади
машҳур

матнга берилган савол-
ларга жавоб беришни;
йи, ий, ув, йў ҳарф би-
рикмали сўзларнинг
ёзилишини;
тоғ ўсимликларининг
номларини ёзишни
ўргандик.

ИЙ, ЙИ, УВ, ЙЎ ҲАРФ
БИРИКМАЛИ СЎЗЛАР

1. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг. Ажратиб берилган сўзларни бўғинлаб, тўғри талаффуз қилинг.

Қиш фасли келди. Кунлар совиди. Кеча қор ёғди. Ҳамма ёқ оппоқ бўлди. Ана, болалар ҳовлига чиқишди. Улар қишки кийимларини кийишган. Қўлларида қўлқоплари бор. Лола чанасини тортиб чиқди. Аброр оёғига конькисини боғлаган.

Нодир билан Наргиза қорбобо ясашяпти. Мен ҳам ҳозир ўйнамоқчиман. Онамдан рухсат олиб, ҳовлига чиқаман.

Айтинг-чи, мен қандай ўйин ўйнай?





2. Ёзамиз.

Мазмунига мос сўзларни қўйиб, гапларни кўчиринг.

Биз кўчада ... юрамиз.

Ҳайвонот боғида ... кўрдик.

Йўлбарс ... ҳайвон.

Йўлчи ... ясади.

йўлкадан

қайиқ

йўлбарсни

ёввойи



3. Ўқиймиз.

Тингланг, мазмунини сўзлаб беринг.

Мусобақа

(Эртас)

Бир куни Қуён ўзининг чопқирлигини на-
мойиш қилиш учун Тошбақага югуриш бўйича
мусобақалашини таклиф қилди. Тошбақа рози
бўлибди.

Марра учун ўрмон четидаги бир дарахтни белги-
лашибди. Мусобақа бошланибди. Тошбақа шошил-
май йўлга тушибди. Уни кўрган Қуён кулиб:

– Мен биров мизғиб олсам бўлади, – деб дарахт
тагига ёнбошлабди.

Орадан бир қанча вақт ўтибди. Қуён уйғониб
қараса, Тошбақа маррага етай деб қолибди. Бор
кучини йиғиб югурибди, лекин тошбақа ундан ол-
дин маррага етиб борибди. Қуён қилган ишидан
пушаймон бўлибди.

Матнни қисмларга бўлинг. Ҳар бир қисмга сарлавҳа
топинг.



4. Сўзлаймиз.

Эртак қайси ҳайвонлар ҳақида?
Қуён билан Тошбақа нима қилишди?
Тошбақа нима учун ғолиб бўлди?
Қуён нега маррага биринчи бўлиб етиб кел-
мади?



5. Ёзамиз.

Тошбақа ва Қуённи таърифлаб ёзинг.

Тошбақа – ..., ...,


Қуён – ..., ...,



6. Ўқиймиз.

Ўқинг. ЙЎ ҳарф бирикмаси бор сўзларнинг ёзили-
шини билиб олинг.

Йўл, йўлка, йўлак, Йўлчи, йўлдош, йўлбарс, йўқ,
йўловчи, йўлланма, йўқлама, йўғон, йўтал.





1. Ўқиймиз. Матнни ўқинг.

Фойдали ўсимликлар

Табиатда турли ўсимликлар кўп. Улар: хушбўй райҳон, жамбил, лимонўт, эрмон, ялпиз, далачай, отқулоқ ва бошқа ўтлардир.

Ҳар бир гиёҳ инсон саломатлиги учун зарур. Доривор ўтларни илдизи билан юлиш ярамайди. Уларни барг қисминигина юлиш керак.

Матнда берилган ўсимлик номларини бўғинга ажратиб ёзинг.

Жарангли ундош ҳарфларнинг тагига чизинг.



2. Ўйлаймиз. Бўш катакларга ҳарфлар қўйиб дарахтлар номини ўқинг.

Қ				Н
Ж				А
Ч				Р
Г				С



Дарахтлар ҳақида дўстингиз билан суҳбатлашинг.



3. Ёзамиз.
Шеърни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Табиат инъоми

Муаттар бўй таратар,
Ўзига хўп таратар.
Диди ҳам чакки эмас,
Эгнида яшил либос.
Иззати бор ҳар жойда
Табобатда ҳам фойда.
Табиатнинг инъоми
Ялпиздир унинг номи.



Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларнинг тагига чизинг.





4. Ўйлаймиз ва излаймиз.

Расмларда берилган ўсимликлар номини аниқланг.
Уларнинг фойдаси ҳақида энциклопедиядан
маълумот тўпланг.



эрмон
лимонўт
далачой
табобат
инъом

биз доривор ўсим-
ликларнинг фойдаси
ҳақида;
доривор ўсимликлар
ҳақида маълумот
тўплашни ўргандик.



РАСМ АСОСИДА ҲИКОЯ ТУЗАМИЗ



1. Сўзлаймиз.

Расмларни кузатинг. Расмларга қараб ҳикоя тузинг. Ҳикояга сарлавҳа танланг.



2. Ўқиймиз.

Матнни ўқинг.

Қўриқхоналар

Инсоннинг табиатга салбий таъсирини маълум бир ҳудудда тақиқлаш, йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш мақсадида **қўриқхоналар** ташкил этилган. Қўриқхоналарда ҳайвонлар ва ўсимликлар назоратга олинади. Ноёб ҳайвон ва ўсимлик



турларининг сони кўпайтирилиб, табиатни асли ҳолида сақлашга ҳаракат қилинади. Қозоғистонда ҳам қўриқхоналар ташкил қилинган.

Матнда ажратиб берилган сўзларни бўғинларга бўлиб айтинг, урғули бўғинни аниқланг.



3. Ёзамиз.

Шеърни ўқинг. Кўчириб ёзинг.

Қалбим ғурури

Осмон бу отамдир,
Ер эса онам.
Тоғлар хазинамдир,
Боғлар баракам.
Ой ҳам маликамдир
Кун – паҳлавоним.



Бу серҳосил тупроқ
Менинг ризқ-рўзим
Менинг ҳур Ватаним.
Кўзимнинг нури
Шулар билан яйрар
Қалбим ғурури.

Анвар Қурбон



4. Мақолни ўқиб мазмунини тушунтиринг.

Бирни кессанг, ўнни эк.





1. Суҳбатлашамиз.

Шеърни ўқинг.

Буғдойзорда

Нега буғдой бош эгар? –
Савол бердим дадамга.
Меҳнатини олқишлаб,
Таъзим қилар одамга.
Тилла рангга уларни
Кимлар бўяб кетишган?
Қадоқ қўлли деҳқонлар
Терлар тўкиб экишган.
Шу туфайли ҳар бошоқ,
Олтин бўлиб етишган.



Т.Эргашов

Ота билан ўғилнинг суҳбатидан нимани тушундингиз?

Буғдойдан нималар олинади?

Матндан энг кўп бўғинли сўзларни топиб ўқинг.



2. Ёзамиз.

Ўқинг.

Йўлдош акам – ғаллакор. Бу йил у ғалладан мўл ҳосил йиғиб олди. Хирмон ғаллага тўлди. Ғалла – Ватанимиз бойлиги. Ғалла мўл бўлса, дастурхонимиз тўкин бўлади.



Гапларни кўчиринг, йи, йў, ҳарф бирикмаси бор сўзларни аниқланг ва тагига чизинг.



3. Сўзлаймиз. Аниқлаймиз.

Харитага қаранг. Ватанимизнинг қаерларида буғдой етиштирилади?






4. Ёддан ёзамиз.
Шеърни ўқинг. Ёддан ёзишга тайёрланинг.

Бошоқ

Бир бошоқда,
Қирқта дон.
Санаб чиқдик,
Биз обдон.
Ўнтасида
Неча бор?
Айтиб берчи
Дониёр.



5. Ўйлаймиз.
Ун маҳсулотлари ҳақида постер тайёрланг.





1. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг.



Олтин пахтам, беғуборим, оппоғим,
Хузуржоним, момиққинам-юмшоғим,
Чиройингдан нур таралган чироғим
Чаман бўлди гулларингдан ҳар ёғим.

Пўлат Мўмин

1. Пахта нима учун олтинга қиёсланган?
2. Пахта ҳақида яна нималарни биласиз?
3. Сиз яшаётган жойда пахта етиштириладими?
4. Ажратиб берилган сўздаги жарангли ва жарангсиз ундош ҳарфларни аниқланг.



2. Ёзамиз.
Матнни ўқинг ва сарлавҳа танланг.

Болалар мактабдан келаётган эдилар. Кўчадан пахта ортилган машиналар ўтиб кетди. Машинадан анча пахта тўкилиб қолди. Йўлчи билан Обид йўлда тўкилган пахталарни йиғиб олишди.





йи, йў ҳарф бирикмаси бор сўзлар қатнашган гапни кўчириб ёзинг.



3. Ёзамиз.

Сўзларни бўғинлаб ўқинг. Бўғин кўчириш учун бўлиб ёзинг.

Шийпон, қийғос, сийрак, пийма, қийма, жийрон, жийда, тийрак.



4. Изланамиз.

Қуйидаги берилган саволларга интернетдан ёки энциклопедиядан жавоб топинг.

Пахтанинг Ватани қаер?
У қандай шароитда ўсади?
Пахтадан нималар олинади?



5. Ўйлаймиз.

Топишмоқни ўқинг ва жавобини топинг.

Денгизда кема сузар,
Кетма-кет олтин узар.



Билиб олинг!

*Бизнинг Республикамизда пахта
Туркистон вилоятида етиштирилади.*

беғуборим
ҳузуржоним
шийпон
чироғим

биз ий, йи, йў ҳарф
бирикмали сўзларни
бўғинга бўлишни;
пахта ҳақида маъ-
лумот тўплашни
ўргандик.



Дарс

БИР ҲАРФ БИЛАН ФАРҚЛАНАДИГАН СЎЗЛАР



1. Ўқиймиз.
Шеърни ўқинг.

Ҳур ўлкам менинг

Ҳур ўлкам менинг,
Гул ўлкам менинг.
Дунёда ўлкам –
Энг кўркам менинг.
Кундан-кун яшнар,
Тинчлик деб яшар.
Элларнинг унга
Ҳурмати ошар.
Беҳисоб кони,
Туганмас дони,
Тоғлардан баланд
Олтин хирмони.
Мақтайман такрор,
Бепоён диёр.
Бу ҳур ўлкада
Ҳамма бахтиёр.

Ҳабиб Раҳмат

Шеърда ўлкамиз бойликлари ҳақида нима дейилган?

Ажратиб берилган сўзлардаги битта ҳарфни ўзгартириб янги сўзлар ҳосил қилинг.

Масалан: Ҳур – нур, ...



2. Ёзамиз.

Сўзларни бўғинлаб ўқинг. Биринчи бўғинга й ундошини қўшиб, янги сўз ясанг ва намунадаги каби жуфти билан ёзинг. Жуфти йўқ жарангли ундош товушни билдирган й ҳарфи тагига чизинг.

Намуна: *зирак – зийрак.*

Бирон, мана, мола, сара, она, чала.

Шу сўзларни қатнаштириб иккита гап тузинг.



3. Аниқлаймиз.

Маттни ўқинг. Сарлавҳа топинг.

Қор кўп ёғди. Қаттиқ совуқ бўлди. Ер музлади. Болалар хурсанд бўлдилар. Улар кенг майдонга югурдилар. Алижон билан Алишер қорбобо ясадилар. Ражаб синглиси билан чанада учди. Ваҳоб конькида учди.

Қиш қандай маза!

1. Матнда нечта гап бор?


2. Ўғил болалар исмини дафтарингизга ёзинг.





4. Сўзлаймиз.

Расмларга қаранг. Болаларга исм қўйиб ҳикоя тузинг.





1. Суҳбатлашамиз.
Расмларга қаранг.



Болалар нима учун қувноқ?
Сиз дўстларингиз билан қандай қишқи ўйинларни ўйнайсиз?



2. Диктант ёзамиз.

Янги йил арчаси

Янги йил байрами яқинлашди. Мактаб залига катта арча ўрнатилди. Болалар арчани ўйинчоқлар билан безашди. Мана шарчалар, маржончалар. Ана хўрозча, айиқча, олмахон. Бу – қуёнча.

Болалар арча атрофида ўйнайдилар, қўшиқ айтадилар.

Сиз арчани қандай ўйинчоқлар билан безаган бўлар эдингиз?



3. Ўқиймиз ва куйлаймиз.
Шеърни ифодали ўқинг.

Лайлакқор

Қор ёғар элак-элак,
Ёғар бўлиб чархпалак.
Қўнган замон кафтимга
Эриб кетар тафтимга,
Қувноқ қор, оппоқ қор.
Қорни йиғиб олайлик,
Бир шаклга солайлик.
Болалар, келинг, қани,
Қорбобо ясар Ғани.



Қувноқ қор, оппоқ қор.
Қор ёғар ҳамон-ҳамон,
Куламиз хандон-хандон.
Қизиб кетди ўйин ҳам,
Шодликни кўрар баҳам
Қувноқ қор, оппоқ қор.



Қутби Носирова



Шеърни оҳангига солиб куйланг. Дўстларингиз билан арча атрофида айтинг.

**Йиққанмиз
тобланиб
маржонча**

**биз расм асосида суҳ-
батлашишни матнга
сарлавҳа танлаб, савол-
ларга жавоб топишни;
шеърни қўшиқ қилиб
куйлашни ўргандик.**

МУНДАРИЖА

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Салом, мактаб!	
Гап ва сўз	4
Ёз ўтди соз	6
Сўзларнинг бош ҳарф билан ёзилиши	9
Товушлар ва ҳарфлар.....	12
Товушлар ва ҳарфлар.....	14
Менинг кийимларим.....	17
Унли товушлар.....	19
Унли товушлар.....	21
Мен онамга ёрдамчи	24
Е, Ё, Ю, Я унли ҳарфлари.....	26
Е, Ё, Ю унлилари	29
Ундош товушлар ва ҳарфлар	32
Ундош товушлар ва ҳарфлар	34
Севимли машғулотим.....	37
НГ ҳарф бирикмали сўзлар.....	40
Алфавит	43
Менинг саргузаштларим.....	46
Яхши бола.....	48
Сўз ва бўғин.....	51

МЕНИНГ ОИЛАМ ВА ДЎСТЛАРИМ

Сўз ва бўғин.....	53
Бизнинг оила	56
Бўғинлардан сўзлар тузамиз.....	59
Бўғин кўчириш	62
Байрамлар	65
Бир бўғинли сўзларнинг имлоси	68
Айириш белгиси – ь	70
Отам, онам ва мен – спортчилармиз.	73
Айириш белгиси бор сўзларни бўғинга ажратиш.....	76
Иноқ қўшнимиз.	79
Юмшатиш белгиси – ь	82
Юмшатиш белгиси бор сўзларнинг имлоси.....	85
Менинг орзуларим	87
Биз тинчлик тарафдоримиз	90
Тинчлик қуши – оқ каптар.....	93

Табрикнома ёзамиз	95
Дўстимни табриклайман	98

МЕНИНГ МАКТАБИМ

Жарангли ва жарангсиз ундошлар	100
Жарангли ундошлар	103
Жарангли ундошлар	106
Жарангли ундошлар	108
Жарангли ва жарангсиз ундошлар	111
Жарангли ва жарангсиз ундош товушларнинг ёзувда ифодаланиши.....	114
Жарангли ва жарангсиз ундошли сўзларнинг имлоси	116
Катта танаффусда	119
Мактабимиздаги тўғараклар	121
Кутубхонада.....	124
Айтилишда тушиб қоладиган товушлар	127
Айтилишда тушиб қоладиган товушлар	130
Айтилиши ва ёзилишида фарқ қиладиган ундошлар.....	133
П, ф ундошли сўзларнинг имлоси	136
Мактаб қоидалари	139
Мен орзу қилган мактаб.....	142

МЕНИНГ ҚАДРДОН ЎЛКАМ

Кетма-кет келган бир хил ундошлар.....	145
Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзлар.....	148
Шаҳар ва қишлоқлар.....	150
Билан, ҳақида, ёнида, олдида сўзлари	153
Кетма-кет келган бир хил ундошли сўзларни бўғинга кўчириш	156
Театрда.....	159
Хат ёзамиз.....	162
Режа асосида ҳикоя ёзамиз	165
Ий, йи, ув, йў ҳарф бирикмалари	168
Ий, йи, ув, йў ҳарф бирикмали сўзлар	170
Ўсимликлар олами	173
Расм асосида ҳикоя тузамиз	176
Ғалла бойлигимиз.....	178
Пахтазорда	181
Бир ҳарф билан фарқланадиган сўзлар	184
Диктант ёзамиз	187

Учебное издание

**Шамадиева Нигара Октамбаевна
Аташикова Зарифа Исламшиковна
Мусаева Махбуза Октамовна**

Ўзбек тили

1-қисм

**Умумтаълим мактабларининг
2-синфи учун дарслик**

(на узбекском языке)

Редактор Н.О. Юсуфбаева
Художественный редактор Ш. Шомухсинов
Дизайн обложки Е.К. Мейрбеков
Дизайн и компьютерная верстка Г.А. Утенова

ИБ №4529

Подписано к печати 22.06.2022 г. Формат 70×100¹/₁₆.
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook Kza». Печать офсетная.
Физ. печ. л. 12,0. Усл. печ. л. 15,6. Усл. кр. от. 62,4.
Тираж 0 000 экз. Заказ №



Қазақстан Республикасы, “Жазушы” баспасы
050009, Алматы қаласы, Абай даңғылы, 143-үй
E-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-785-5



9 786012 007855